

ISSN 2181-9521

№ 8-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛ

“ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ,



ЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

МАНГУ БЎЛ ОМОН!"



«ODILLIK MEZONI» илмий-амалий, хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ
Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Шерзод ДАМИНОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-ракам билан
қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Хар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал
лардан фойдаланилганда, манба кайд
этилиши керак.

Босишига 17.09.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 1800

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-йй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет



**Магистрликка
талабгорларнинг
билими синалди**

Масъулият мезонлари

9-бет

**Ўзбекистон
суд ислохоти
тизимида
қайси йўлдан
бормоқда?**

Жараён

14-бет



**Мамлакатимизга
БМТ маъruzачиси
ташриф
буормоқда:
у қандай
ваколатларга эга?**

Хориж тажрибаси

16-бет

**СИНГАПУР:
коррупцияга қарши
курашиш
тизими ва суд
ислоҳотлари**



Қиёсий таҳлил

22-бет



**Хорижий
давлатларда
суд назорати
институти**

Қонун ва амалиёт 28-бет

**Вакил
харжатини
ундириш**

Ибрат 31-бет

**Ким
фойда
қилди?**

Муаммо ва ечим 32-бет

**Фуқароликка
оид ишларни
юритиш**

Судья билан сұхбат 36-бет

**Қарор қабул
қилишда ички
ишонч мұхым**

Мұхым мавзу 40-бет

**Коррупцияга
қарши курашда
аждодларимиз
маънавий
меросининг
аҳамияти**

Суд залидан 43-бет

**Мурувват
ортидаги
тузоқ**

Важная тема 46-бет

**Некоторые
вопросы
противодействия
коррупции в
судебной
системе
Узбекистана**

Процесс 52-бет

**Насколько
значительными
являются
условия
договора?**

Экономика и закон 57-бет

**Судебная практика по
рассмотрению
дел связанных с
использованием
товарных
знаков и промышленных
образцов**

Labor legislation 60-бет

**Actual issues
of protection
of employee
rights
in labor
relations**



МАГИСТРИККА ТАЛАБГОРЛАРНИНГ БИЛИМИ СИНАЛДИ

Барча соҳаларда бўлгани каби суд тизимининг мустаҳкамлиги ва мустақиллиги ҳам салоҳиятли кадрлар, яъни билимли ва тажрибали судьяларга боғлиқ. Президентимиз мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш учун, энг аввало, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш лозимлигини таъкидлаган эди. Судьяларни тайёрлашни тубдан такомиллаштириши учун 2019 йил 6 январда Судьялар олий кенгаши ҳузуринда Судьялар олий мактабини ташкил этиши бўйича Президентимизнинг қарори қабул қилинди. Жорий йилнинг 5 июлидан 25 июлига қадар Судьялар олий мактаби магистратурасига илк ўқув йили учун қабул жараёнлари бўлиб ўтди.

Бу йил жами 60 нафар талабгор судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгилаган қабул квоталарига мувофиқ давлат грантлари асосида Судьялар олий мактабига қабул

қилинди. Номзод олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик меҳнат амалиёти ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозимлиги белгиланди. Қабул комиссиясига фуқаролик ишлари, жиноят ишлари, иқтисодий, маъмурӣ йўналишлар бўйича 146 нафар талабгор хужжат топширди.

22-23 август кунлари кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Биринчи куни талабгорлар хуқуқий мавзуда ёзма иш (иншо) ёзиш учун шахримиздаги “Ўзқўргазмасавдо” марказига жам бўлишди. Улар 6 гурухга бўлиниб, ўзларига ажратилган жойларни эгалладилар. Гурухлардан вакиллар чиқиб, имтиҳон билетларини танладилар ва мазкур танлов бўйича уларга “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш – “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналиши”, “Коррупцияга қарши курашиб – давр талаби”, “Касби-корим – адолат”, “Жамиятда қонунларга хурмат




рухини қарор топтириш демократик давлат қуришнинг гаровидир" мавзуларидан исталган бири бўйича эркин иншо ёзишлиари айтилди.

Ёзма ишни бошлашларидан аввал таникли филолог олим Султонмурод Олим талабгорларга иншо ёзишнинг тартиб-қоидаларини батафсил тушунтириб ўтди.

Имтиҳон қатнашчилари турли ёшда ва турлича тажрибага эга бўлсалар-да, уларнинг барчаси бирдек ҳаяжонда эдилар. Улар учун бинода жуда яхши шарт-шароитлар яратилганди. Жараёнда зарур бўладиган сифатли дафтар-қаламдан тортиб, ичимлик суви-ю, тиббий ёрдамгача.

Иншо ёзиш учун 3 соат вакт берилди.



Уларнинг аксарияти топширикни белгилangan муддатдан олдин бажардилар. Биз ёзма иш дафтарини топшириб, ёруғ чехра билан хуш кайфиятда чиқаётган талабгорлардан

Андижон вилояти "Адвокат" адвокатлик фирмасида фаолият кўрсатиб келаётган Хулкарой Исаковани сухбатга тортдик.

- Кечирасиз, журналимиз учун имтиҳон ҳақидаги мулоҳаза ва таассуротларингиздан ўртоқлашсангиз. Кайфиятингиз яхшилиги имтиҳон жараёни билан боғлиқми?

— Ха, адашмадингиз. Иншо учун танланган мавзулар менга жуда маъқул бўлди. Қолаверса, айнан шу йўналишлар бўйича "Одиллик мезони" журналида эълон қилинган илмий-хуқуқий мақолаларни ўқиб, тайёргарлик кўриб келгандим. Шунинг учун ҳам ёзма иш мен учун қийинчилик туғдирмади, аксинча иншони яйраб ёздим.

- Судьялар олий мактаби магистратурасига кириш учун нега айнан иншо си-





нови ҳам белгиланган деб ўйлайсиз? Бу яхшимি?

– Фикрни ёзма тарзда баён қилиш инсоннинг тафаккурини чархлади. Фақат-


турасига киришда иншо синови ҳам қўйилганини фақат қўллаб-қувватлайман.

Талабгорлар учун берилган 3 соат ниҳоялади. Шу билан биринчи кун учун белгиланган ёзма иш синови ўз якунига етди. Иншолар ёзилган дафтарлар қабул комиссияси томонидан йигиб олинди.

Эртаси куни, яъни 23 август тонгида талабгорлар тест синовларини топшириш учун яна “Ўзқўргазмасавдо” марказига йигилди. Уларга мутахассислик фанларидан (тест) ва чет тилидан (тест) синовлари топшириш учун 2 соат вақт ажратилди. Тест синови Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан қатъий назорат остида кечди.

Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суди архив мудири Бобур Жўраев тест синовлари ҳақида шундай дейди:

– Тест синови шаффоф ва ҳеч кимнинг



гина тест топширишга ўрганиб қолсан, биз изланишдан тўхтаемиз. Айниқса, судьялар учун бу муҳим, чунки улар суд қарорларини, ажрим ва хукмларини ёзади, оммавий ахборот воситаларида ва кенг аҳоли ўртасида хуқуқий тарғибот олиб боради. Шу жиҳатдан олганда, Судьялар олий мактаби магистра-

аралашувисиз ўтди. Жараёнда бирор бир файриқонуний ҳолат сезилмади. Мутахассислик фанлари бўйича тузилган тест саволларига, назаримда, хуқуқий билими етарлича бўлган киши ҳеч бир қийинчиликсиз жавоб топа олади.

Маълумот ўрнида келтириб ўтишимиз керакки, магистратурага кириш синови умумий бали қўйидагича белгиланган:

–Иншо ва тест синовлари учун 50 баллдан 100 балл қўйилади.

– чет тилидан бўладиган тест учун 50 балл кўрсатилган.

Миллий сертификат ёки халқаро сертификатнинг низомда белгиланган даражаларига эга бўлган талабгорларга чет тили фанидан синовларсиз максимал балл берилади.

Кириш синовларини ўтказиш жараёни ҳар икки кун ҳам видеотасвирга олинди. Бу имтиҳонларнинг шаффоф ва адолатлилигини таъминлашнинг амалий исботи бўлди.

**Сироҷиддин ИБРОҲИМОВ,
“Одиллик мезони” мухбири**



МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

"Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали ҳалқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат қўргони"га айлантиришдан иборатдир."



Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН СУД ИСЛОҲОТИ ТИЗИМИДА ҚАЙСИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА?

Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар
доктори, профессор

Суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириши ва либераллаштиришининг долзарбиги бир қатор омиллар билан изоҳланади. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуғузини ошириш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиласидиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар оширилди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишлиган бўлиб, унда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизнинг еттига моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлик принципиал ўзгаришлар киритилгани, судьяликка номзодларни ташлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани, унинг хузурида Судьялар олий мактаби вужудга келтирилгани, Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, мъмурний ва иқтисодий судлов соҳасида ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилгани, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолат – судлар томонидан жиҳонят ишларини кўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани тизим ривожи

йўлида муҳим қадам бўлиб, бу йўналишдаги ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганининг яққол исботидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ташланган катта қадамлардан бири, бу – ҳуқуқий-демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлуниши ва мустақил суд ҳокимиятининг вужудга келиши бўлди. Бу бош Қомусимизнинг 106-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”, деган ҳуқуқий нормада ўз аксини топди. Давлат ўзининг баъзи бир ваколатларини нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари билан бўлишар экан, бундан, унинг кучи қирқилиб, ҳокимият сифатидаги таъсир қуввати заифлашиб қолади, деган хаёлга бормаслик керак. Чунки, кучли давлатнинг қудрати – фуқароларининг унга нисбатан хайриҳоҳлиги, давлатнинг ўз халқига қанчалик эркинлик ва имкониятлар яратиб берганлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизда нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунларни амалиётда кўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ амалда жорий



Қадимий ва бетакор юртимиз узра ИСТИҚЛОЛ нафаси кеза бошлаган кунларда инсоннинг кўнглидан ажаб ҳислар ўтади. Мана Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик шодиёналари халқимиз томонидан муносабиб байрам қилинмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик бу – ҳуқук билан чамбарчас боғлиқ. Қачонки инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланган бўлса, ўшанда мустақиллик бўлади.

Бугунги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг янги бир даври – юксалиш босқичи бошланди. Барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқук тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқук ислоҳотларининг туб моҳиятида инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш орқали ҳаётимизда адолатни қарор топтириш масаласи ётади. Шу нуқтаи-назардан, айниқса, кейинги икки-уч йилда амалга оширилган ислоҳотлар анчайин самарали бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган сайлов олди дастурлариданоқ Ўзбекистонда суд тизими нуфузини юксалтириш борасида тўхталиб судни том маънодаги “Адолат қўрғони”га айлантириш тўғрисидаги фикрларини илгари сурган эди. 2017 йилнинг 13 июнь куни эса барча судьялар билан учрашиб очиқ мулоқот ўтказди.

Президентимизнинг “Суд-ҳуқук тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, судьялар ва улар билан биргаликда суд идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг ҳам ойлик маошлари оширилиши белгилаб қўйилди. Ҳаттоқи, Фармонга асосан судьяларнинг транспорт воситалари, суд ходимларининг эса намунали уй-жойларни сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди. Бундай ҳолат шу кунга қадар ҳеч қачон юз бермаганлиги сабабли ушбу Фармонни тарихий ҳужжат, десак муболага қилмаган бўламиз.

Энди биз судьялар ва суд тизими ходимлари яратилган бундай имкониятларнинг қадрига етиб, ҳалол ва сид-қидилдан меҳнат қилишимиз лозим.

Ватанимизнинг улуғ байрами ИСТИҚЛОЛнинг 28 йиллиги билан барча юртдошларимизни ва судьяларимизни, суд тизими ходимларини чин дилдан табриклайман.

Этилаётган чора-тадбирлар, хусусан, судлар, прокуратура ҳамда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳамда, судларни жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурӣ ишлар бўйича ихтисослаштирилиши муносабати билан қатор кодекслар ва қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судлов даражасини янги сифат босқичига кўтариб, ишларни кўриб чиқиш муддатларини анчайин қисқартириш имконини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 400 га яқин суд мавжуд бўлиб, бу судларда қарийб 1100 дан ортиқ судья фаолият юритиб келмоқда. Ислоҳотлар, пировардида судлар воситасида жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурӣ ишларни кўриш асносида, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида ҳар иккала томоннинг тенглиги ва ўзаро беллаша олиши учун имкон яратиб бериш, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли тарзда енгиллатиш ҳолатларини амалда таъминлади. Суд-ҳуқук тизимида бу каби ўзгаришлар кўпчилик томонидан қизгин маъқуллангани бежиз эмас, чунки халқимиз шўролар тузуми даврида, ҳаттоқи мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам бу каби ноҳақликлардан жуда кўп марта жабр чеккан, зада бўлган эди. “Пахта иши” билан қатағон қилинган минг-минглаб юртдошларимизнинг мол-мулки мусодара қилиниб, оила аъзолари ночор аҳволга тушиб қолган кунларни эслашнинг ўзи кифоя – ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Энди кимнингдир жинояти ҳисобига унинг оила аъзолари, болаларининг ризқи кесилмайди.

Бугун суд-ҳуқук тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, фақат сўздангина иборат бўлиб қолмаслиги, балки амалий қиёфа касб этиши учун ислоҳотлар жараёни сабитқадамлик билан давом эттирилмоқда. Табиий бир савол туғилади: мавжуд тизимни янгилаш, уни модернизация қилиш учун қандай зарурат бор эди?

Кучли фуқаролик жамиятининг муҳим жиҳатларидан бири Президентимиз таъбири билан айтганда, “халқ давлат идораларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши лозимлигидан иборат”. Ислоҳотлар жараёнида судлар-

нинг мавқеини илғор мамлакатлардаги одил судлов идоралари билан тенглаштириш мақсадида, халқаро ҳуқуқнинг умумәтироф этилган меъёрларига амал қилиш йўлидан борилаётгани ҳам судларнинг халқа тобора яқинлашаётганидан, жамиятнинг маънан соғломлашиб бораётганидан дарак беради.

Бугун суд-хукуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, фақат сўздангина иборат бўлиб қолмаслиги, балки амалий қиёфа касб этиши учун ислоҳотлар жараёни сабитқадамлик билан давом эттирилмоқда. Табиий бир савол туғилади: мавжуд тизимни янгилаш, уни модернизация қилиш учун қандай зарурат бор эди? Жавоб ахтариб узоқ кетишнинг ҳожати йўқ, уни яқин ўтмишимиздан топамиз. Мътъумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд хукмрон партиянинг тўқмоғи вазифасини ўтарди. Худди эртақдагидек, унга хўжайнин томонидан “ур тўқмоқ” деб топшириқ берилса бас, айборми, айбсизми барчани бирваракайига саваларди. Шунинг оқибатида суд одамларнинг кўз ўнгидаги жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Фуқаролар суднинг одиллигига, унинг ҳаққиат ёки адолат пособни эканига ишонмай кўйишиди. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукуқ ислоҳотларининг туб моҳияти – судларни том маънода халқнинг ҳақ-хукуqlари ва қонуний манфаатларини чинакам ҳимоя қиласидан иборат бўлди. Суд, том маънода халқнинг суюнчиғига айланмоғи даркор. Унинг олдида турган эндиғи вазифа, суд ҳокимияти, суд органлари ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, ҳаммага ҳам бир кўз билан қарashi – бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми – ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигини таъминлаши даркор.

2019 йилнинг 13 июнь куни Тошкентда бошланган “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий судлов тизими: замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиси, Россия Федерацияси Олий судининг судьяси Юрий Иваненко ўз маърузасида Буюк бобокалонимиз, Алишер Навоийнинг судья (қози) шахсига нисбатан билдирган қуйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратиб: “Судъянинг юраги маънан тоза, унинг тафаккури эса аниқ билимларга таяниши керак. Унинг юраги шахсий манфаатлардан холи, ўзидан иккюзламачиликни соқит қилган бўлиши лозим. У ҳар бир инсонни одил тарзда суд қилиши лозим”. Менинг фикримга

кўра, Ҳазрат Навоийнинг фикрлари одил судловнинг замонавий стандартларини ўзида акс эттирган”, — дейди Россия Олий суди судьяси.

Бир нарсани тан олишимиз керак: судларнинг мустақиллиги, фуқароларнинг уларга нисбатан ишончининг ортиши, жамиятимизда кенг кузатила бошланди. Социологик тадқиқотлар, ўз муаммоларига ечим топиш учун, арзларини икки энлик қоғозга тушириб, турли катта-кичик ташкилотларнинг қабулхоналарида сарғайиб юргувчиларнинг сони камайиб, судларга мурожаат этишлар кўпая бошлаганини эътироф этмоқдалар. Бу эса юртдошлиримизнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганидан ҳам дарак беради.

Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими”ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, Фармонга асосан қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

биринчидан, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришининг гаровидир!”, деган ҳаётий гояни мустаҳкамлаш;





Иккинчидан, жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимили ва узвий равшида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламлари га хукукий онг ва хукукий маданиятни чукур сингдириси, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни саклаш гояларини кенг тарғиб қилиш;

Учинчидан, ёш авлод онгига хукуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чукур сингдириси бориши, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

Тўртинчидан, аҳоли ўртасида хукукий маданиятни шакллантириш бўйича хукукий-маърифий тадбирларни ҳалқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйгун ҳолда ташкил қилиши, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фаҳрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш ва бошқалар.

Амалиётда қўлланилаётган бу каби ўзгаришлар юридик соҳа ходимлари олдига ҳам улкан вазифаларни кўндаланг қилиб қўя бошлади. Касб малакаларини ошириш, маҳорат сирларини тинмай ўқиб, ўзлаштириш талабини кўймокда. Биринчи навбатда улардан тўғрилик ва одиллик, сўнг билим ва тажриба сўралади. Инсон тақдирига масъул бўлган касбу-кор эгаларига доимо шундай

талаб қўйилган. Хусусан, Навоий ҳазратлари қози-ю куззот зикрида қалам тебратиб шундай ёзадилар: “Мустақим хат, ҳар қаёнким, майл қилди эгри бўлди. Соз торидекким, эътидолдин тажоввуз қилди, тузуки бузилди. Улки ҳукми эл моли ва жонига жорий бўлгай, керакким, даъби муқмир шиори бўлгай”. Яъни, мустақим (жимжимадор) ёзув ҳар қаёққа қийшанглагани боис ҳарфлари эгри бўлди. Зоро, қонун сознинг торидек нозикки, бир пардага адашиш, мусиқани издан чиқаради.

Башарти, хукмлар элнинг моли ва жонига жорий экан, бунда тўғрилик ва адолат қози ва қуззотнинг шиори бўлиши даркор.

Шу ўринда фаранг файласуфи Дени Дидронинг қуидидаги фикрларини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади: “Икки турдаги қонунлар мавжуд, – дейди у ўша замондаги судлар ҳақида фикр юритиб. – Бириси, сўзсиз адолатли ва умумий аҳамиятга эга. Бошқаси эса одамларнинг омилиги ёки замона зайди туфайли эътироф этилган бўлади. Мана шу турдаги ажримлар судлар ва халқлар шаънига доф бўлиб тушадиган бадномликларга сабаб бўладилар. Эндиликда ким шарманда – Суқротми ёки уни ноҳақ заҳар ичишга мажбур қилган судьями?”

Конституциявий-хукукий соҳада давлат тузилмалари фаолияти натижаларини баҳолашнинг яна бир муҳим шарти, жамиятдаги хукукий онг, юридик маданият даражасидир. Яъни соҳада амалга оширилаётган ижобий ишларнинг натижаси хукукий онгнинг мавжуд даражасидан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади. Хукукий тарбия билан боғлиқ фаолиятни, шу жумладан давлат-хукуқ соҳасидаги фаолиятни хукукий онг – шахс, гурухлар ва жамият хукукий онгларига бўлинишига асосланган ҳолда амалга ошириш керак бўлади. Бунда якка шахс ва гурухлар хукукий онги ижтимоий тусга эга. Жамият ва гурухлар хукукий онги якка тартибдаги (шахсий) хукукий онгдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Хукукий воқеликни акс эттириш чуқурлиги нуқтаи назаридан хукукий онг уч даражага, яъни: одатий (эмпирик), илмий (назарий) ва касбий даражаларга бўлинади. Конституциявий маданият даражасини ошириш бўйича ишлар ана шуни ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоғи лозим.

Одатий онг ўз-ўзидан, муайян турмуш шароитлари, шахсий ҳәётий тажриба ва аҳоли фойдалана оладиган хукукий таълим таъсири остида пайдо бўлади, назарий онг

эса анча кенг ва чуқур ҳуқуқий умумлаштиришлар, ҳуқуқий воқеликни билиш асосида шаклланади. Аввало айнан назарий ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси Ўзбекистон қонун ҳужжатлари сифатини, унинг ривожланиш йўналишларини белгилайди. Илмий ҳуқуқий онг – ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишининг бевосита манбаи. У юридик амалиётни такомиллаштиришга хизмат қиласди. Бундан кўзланган асосий мақсад – "...фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоги даркор!".

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири, уни барпо этишнинг мажбурий шарти – юристлар, аҳоли, мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг юксак бўлишидир. Юристларнинг ҳуқуқий тайёргарлиги, шубҳасиз, қонунга итоаткор фуқароларникидан юқори бўлиши, ўз кўлами ва чуқурлигига кўра фарқланиб туриши, билимлар, ҳуқуқ принциплари ва нормаларининг тартиблилик хусусияти, ҳуқуқий кўрсатмаларни кўллай олиш маҳорати билан ажralиб туриши керак. Бу Ўзбекистон Конституцияси, умуман конституциявий қонун ҳужжатлари нормаларини амалиётда кўллай олиш қобилиятига ҳам тааллукли. Юристлар учун қонунга, Конституцияга ижобий муносабатда бўлишнинг асосидир.

Юқоридагилардан шундай холосага келишимиз мумкин. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўз танланган тараққиёт йўлидан олға силжимоқда.

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида суд ислоҳотлари алоҳида ўрин тутади. У давлатимиздаги уч забардаст ҳокимиятнинг бири сифатида, фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари дахлсизлиги, қонун олдида барчанинг баробарлиги, мамлакат манфаати ва эл фаравонлиги йўлида қабул қилинаётган қонунлар ва ижронинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш – бир сўз билан айтганда жамиятда қонун ва адолат тамойилларини барқарор тутиш кафолатидир. Унинг келажак истиқболи ҳақида гапирганда шуни ёдда тутмоқ керакки, суднинг адолатлилиги судьяларнинг одиллиги билангина белгиланмайди, балки ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқини нечолик билиши – ҳуқуқий маданияти адолат тарозисининг мувознатини белгилайди. Ёки буюк аждодимиз Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри" асарида таъкидлаганидек: "Билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, "...айни пайтда кўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, соҳа ривожига танқидий ёндашиш, ҳаётнинг ўзи олдимиизга кўяётган бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни самарали ҳал қилиш йўллари ва механизmlари ҳақида билдирилган аниқ таклифлар, амалий ташабbusлар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини бутунлай янгича асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим".



Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тақлифиға мувоғиқ жорий йилнинг сентябрь ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича маҳсус маърузачиси жаноб Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга ташрифи куттилмоқда. Ушбу мақолада Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича маҳсус маърузачининг ваколатлари, ҳисобдорлиги ва ушбу институттинг роли тўғрисида маълумот берилади.

Таҳририят.



МАМЛАКАТИМИЗГА БМТ МАЪРУЗАЧИСИ ТАШРИФ БУЮРМОҚДА: У ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА?

Одилжон СУЛАЙМАНОВ,
Судьялар олий мактабининг
Илмий тадқиқотларни муво-
фиқлаштириши бўлими бош
мутахассиси, ю.ф.н., доцент

Жаҳонда судьялар, адвокатлар ва суд ходимлари мустақиллигига тажовузлар, аралашувлар тез-тез кузатилиб туради. Уларнинг дахлсизлик кафолатлари заифлашуви ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилишининг жиддийлигини инобатга олиб, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўзининг 1994 йилги 1994/41 резолюцияси билан уч йил муддатга Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича маҳсус маърузачи тайинлашга қарор қилган.

Маълумот учун: Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия БМТ Боз Ассамблеясининг 2006 йил 15 мартағи 60/251 резолюцияси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга айлантирилган.

Бошқа маҳсус тартиб-таомиллар каби бу мандат БМТ Боз Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгashi томонидан 60/251 резолюция билан қабул қилинган ва ушбу мандат дастлаб бир йилга узайтирилган, кейинчалик Кенгаш томонидан қайта кўриб чиқилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2006/102 қарори).

Судьялар ҳамда адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича маҳсус маърузачи мандати 2008 йил июнь ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш томонидан қайта кўриб чиқилган ва уч йил муддатга узайтирилган. Кейинчалик маҳсус маърузачи мандати 8/6, 17/2 ва 26/7 резолюциялар билан яна узайтирилган.

Охирги марта Махсус маърузачи мандати 2017 йил 19 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 35/11 резолюцияси билан уч йилга узайтирилган.

Махсус маърузачи ўзининг мандати-га мувоғиқ қўйидаги ваколатларга эга:

- а) Тақдим қилинган ҳар қандай муҳим баёнотларни ўрганиб чиқиш ва у бўйича ўзининг хуросалари ва тавсияларини маълум қилиш;
- б) Нафақат судьялар, адвокатлар ва суд ходимлари мустақиллигига тажовузларни, аралашувларни аниқлаш ва қайд қилиш, балки уларнинг мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича эришилган ўсишни эътироф этиш ҳамда аниқ тавсияларни шакллантириш, манфатдор давлатнинг сўровига кўра маслаҳат хизматлари ёки техник ёрдам кўрсатиш;
- с) Суд тизимини такомиллаштириш йўллари ва воситаларини аниқлаш ва шу мақсадда аниқ тавсиялар шакллантириш;
- д) Судьялар, адвокатлар ва суд ходимлари мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида долзарб ва принципиал муҳим масалаларни келгусида тақлиф тайёрлаш учун ўрганиш;
- е) Ўз ишида гендер муаммосини ҳисобга олиш;
- ф) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органлари, мандатлари ва механизмлари ҳамда минтақавий ташки-



лотлар билан (бир вақтнинг ўзида) ҳаралатларнинг тақрорланмаслигини ҳисобга олган ҳолда яқиндан ҳамкорлик қилишни давом эттириш;

g) Ҳисоботларни тегишли иш дастури билан бирга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга мунтазам равишда, Бosh Assambleяга эса бир йилда бир марта тақдим қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида:

а) Махсус маърузачи судьялар мустақиллиги ва холислиги ҳамда юридик қасб мустақиллиги бўйича даъво қилинаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларга жавоб беради, тегишли давлатга даъво қилинаётган ҳуқуқбузарликлар ва зудлик билан чора кўриш тўғрисидаги чақириқ (тегишли ҳолатни аниқлаштириш ва эътиборига етказиш учун) билан мурожаат йўллайди.

Махсус маърузачи томонидан юборилган мурожаат кейинги мурожаатлар бўйича махсус тартиб-таомилларда чоп этилади.

b) Тегишли давлат таклифига кўра махсус маърузачи давлатга ташриф буюради. Махсус маърузачи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга ташриф бўйича аниқланган фактлар, хulosалар ва тавсияларни кўрсатган ҳолда ҳисобот тақдим қиласди;

c) Махсус маърузачи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга ва Бosh Assambleяга (июн ойидаги сессияда) ўз мандатига алоқадор муҳим масалалар ва муаммоли соҳаларга эътиборни қаратган ҳолда йиллик тематик ҳисобот тақдим қиласди.

Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачи тегишли давлатлар таклифига кўра 1996-2018 йилларда 41 давлатга ташриф буюрган.

2017 йил январдан ҳозирга қадар Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачи сифатида перулик Диего Гарсия-Саян фаолият кўрсатмоқда.

Маълумот учун:

* БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид 2017 йил 2-12 октябрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Ташриф якунлари бўйича тавсияларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалиари бўйича ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2018 йил 4 майда Олий Мажлис Конунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан "Йўл харитаси" тасдиқланиб, унинг ижросини назорат қилиш юзасидан мониторинг ўтказувчи ишчи гурӯҳ шакллантирилган.

* БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комисари Зайд Раад ал-Хусайн 2017 йилнинг 10 - 12 май кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган. Ташриф якунлари бўйича БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган "Йўл харитаси" тасдиқланган.

* БМТнинг Қийнокларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши махсус маърузачиси Тео Ван Бовен 2002 йил 24 ноябрь — 6 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган. Ташриф якунлари бўйича 2003 йил 3 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга 59-сессияда E/CN.4/2003/68/Add.2 сонли ҳисобот тақдим қиласди.

**Комил СИНДАРОВ,**

Судьялар олий мактаби
директор ўринбосари, юридик
фанлар доктори, профессор

**Акмал МАМАТОВ,**

Судьялар олий мактаби
етакчи мутахассиси

СИНГАПУР: КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ВА СУД ИСЛОХОТЛАРИ

Коррупция жаҳоннинг глобал муаммоларидан бири бўлиб, деярли барча мамлакатларда мавжуддир. Бугунги кунда ҳам у қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари тамойилларига, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига жиддий хавф solaётган таҳдиidlардан ҳисобланади.

Коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш намунаси сифатида Сингапурдаги ислоҳотларни кўришимиз мумкин. Бу давлат қисқа вақт ичida Осиёning қолоқ мамлакатидан дунёning энг ривожланган давлатларидан бирига айланди. Бунинг замирида эса коррупцияга қарши кураш ётади.

“Фоиз”, “тақдирлаш”, “бакшиш” – маҳаллий жаргонда коррупцияни қандай аташмасин, у осиёча турмуш тарзининг кўринишларидан биридир. Вазирлар ва амалдор шахслар эҳтиёжлари талаб қилаётган дараҷада маошларига яшай олмайди. Мансаби қанчалик юқори бўлса, уларнинг уйлари ҳам шунча кўп. Бу ҳам етмаганидек, уларнинг хотинлари, жазманлари кўп. Эрларининг мансабларига қараб тилла тақинчоқлари ҳам қимматбаҳо. Бундай мамлакатларда бизнес қилувчи сингапурликлар ярамас одатларни уйга олиб кирмасликлари керак, деб ёзган эди мамлакат бош вазири, Сингапурдаги ислоҳот ташаббускорларидан бири Ли Куан Ю.

Сингапур XV-XVI асрларда Жохор султонлиги таркибиға кирган. 1867 йилда Британия империясининг мустамлакасига айланади. Иккинчи жаҳон уруши пайтида 1942 йилдан то 1945 йил сентябрь ойига қадар Япония қарамоғида қолади. 1959 йилдан эътиборан Сингапур Британия империяси таркибидаги ўзини идора этувчи давлатга айланади. 1963 йилги референдум натижасида бу давлат Малай федерациясига кўшилади, 1965 йилнинг 7 августида федерация таркибидан чиқарилади ва 1965 йилнинг 9 августида мустақилликни қўлга киритади.

Британияликлар ўз мустамлакаси бўлмиш Сингапурни ташлаб чиқиб кетишганида сингапурликларнинг ихтиёрида ўта ожиз қонунчилик базаси, мутлақо саводсиз аҳоли, паст маошлар, шаффоф бўлмаган иқтисодиёт, ҳар ерда ҳозиро нозир коррупция қолганди.

Коррупцияга қарши кураш бошлаган биринчи ҳукумат қатор муаммоларга дучор бўлди. Унга қарши курашни тартибга солувчи қонун очиқласига заиф эди. Кўплаб коррупцион жиноятлар қонун доирасидан четда қолар, тегишли курашувчи органлар эса ўз вазифасини самарали адо этиш учун зарур ваколатга эга эмасди. Амалдорларнинг кўпчилиги порахўр бўлгани, қонунчилик самарасиз бўлганлиги сабабли жиноятга далил топиш ўта мураккаб эди.

Давлат амалдорларининг тижорий сектор ходимларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши, аҳоли саводхонлигининг паст даражаси, ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги курашни қийинлаштиради.



Натижада пора мақсадга эришишнинг ягона усулига айланганди.

Масаланинг яна бир мураккаб томони шунда эдикси, инглизлар даврида ташкил этилган Коррупция ҳолатларини тергов қилувчи Бюро хизматчилари маҳаллий полициядан иборат бўлиб, улар руҳий жиҳатдан ушбу иллатга қарши курашга тайёр эмасди.

Ли Куан Ю ўша кунларни қўйидагича хотиралаган эди: “Божхона амалдорлари контрабанда ва тақиқланган маҳсулотларни ташийдиган транспорт воситаларини текширишни “тезлаштириш” учун пора олардилар. Марказий таъминот хизмати ходимлари муайян чақа эвазига манфаатдор шахсларга тендерга келиб тушган аризалар ҳақида маълумот берарди. Импорт-экспорт департаменти амалдорлари руҳсатномани тезлаштириб берганлари учун пора олишарди. Клерклар камчиликларга кўз юмишлари учун пудратчилар пора таклиф қилишар эди. Дўкондорлар ва уй эгалари ахлатни олиб кетгани учун Жамоат соғлиқни саклаш департаментига ҳақ тўлашарди. Мактаб директори ва ўқитувчилари канцелярия маҳсулотлари келтирувчиларидан фоиз олишарди.”

Мамлакат жуда оғир ахволга келиб қолганини тушунган ҳукумат жамиятда очиқлик ва тозалик мұхитини яратишга, коррупцияни ижтимоий номақбул ҳодиса, деб талқин этилишига эришиш учун қатъий қарор қилиди. Ўз ишининг асосига “тоза ва сотилмас бўлиб қолиш” принципини устувор қўйди. Стратегия мұаллифлари коррупция устидан назорат миллий тараққиёт учун мұхимлиги га ишонишарди.

Ли Куан Ю «Халқ ҳаракати» партияси билан биргаликда сайловларда ютиб чиқди ва бош вазир этиб сайланди. Айнан у коррупцияга қарши курашнинг рамзига айланди.

У ўз ҳукумати олдига Сингапурнинг Жануби-Шарқий Осиёнинг молиявий ва савдо марказига айлантириш, шунингдек, мамлакатга хорижий сармоядорларни жалб этиш мақсадини қўйганди.

Рахбарларининг сиёсий иродаси ва кучли антикоррупция қонунчилиги ҳисобига Сингапур пораҳўрликни енгишга ва жаҳоннинг иқтисодий етакчилари қаторидан жой олишга эришди. Биринчи навбатда коррупцион ҳаракатлар содир этиш имконияти қисқартирилди.

1960 йил июнь ойида коррупцияга қарши янада самарали чоралар кўриш учун «Коррупцияни олдини олиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди ва унда коррупцияга қарши кураш стратегияси,



коррупцияни олдини олиш, коррупция тергови бўйича Бюрони алоҳида ваколатлар билан таъминлаш масалалари мустаҳкамлаб қўйилди.

Одатда пора, деб аталадиган жиноят тури қонунга «коррупция мукофоти» атамаси билан тавсифланади. Мукофотлар турли шаклларда бўлиши мумкин:

- пул ёки ҳар қандай совгалар, тўловлар, кредитлар, мукофотлар, комиссиялар, қимматли қозозлар, бошқа мол-мulk ёки ҳар қандай мол-мulkning кўчар ёки кўчмас мулкдаги улуши;
- ҳар қандай мансаб, иш ёки шартнома;
- ҳар қандай қарз, мажбурият ва бошқа қарзлар доирасида қарзни тўлиқ ёки қисман тўлаши, қарздан озод қилиши;
- ҳар қандай бошқа хизматлар, имтиёзлар, интизомий жазолардан озод қилиши ёки касбий фаолият доирасида ҳар қандай мажбурият ёки ҳукуқни амалга оширишга кўмаклаши;
- ҳар қандай таклиф ёки ҳар қандай мукофотнинг ваъдаси.

Қонун талабига кўра ҳукумат билан алоқа қилишни истаган шахсдан олинган ҳар қандай мукофот, рафбатлантириш, бу тўлов пора эмаслигини исботламагунича, пора, деб баҳоланди.

Қонуннинг 5-моддасига асосан, ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ноқонуний равишда пора олса, ўзи ёки бошқа шахс учун ҳар қандай мукофот олишга розилик билдиурса, пора олувчи ҳисобланади.

Қонуннинг 6-моддаси талабига кўра, коррупцион ҳаракатлар, агар агент ноқонуний равишда мукофотни қабул қиласа ёки қабул қилишга ҳаракат қиласа, ёки ҳар қандай шахснинг манбаати учун ҳаракат қилишга розилик билдиурса ёки ҳаракат қиласа, кимнинг манбаатларига ҳомийлик ёки унинг

камчилигига кўз юмса, жиноят якунланган ҳисобланади.

Пора олганлик ёки берганлик жинояти ўз исботини топса, 100 минг Сингапур доларидан ошмайдиган жарима тўлаши ёки 5 йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган. Агар жиноят хукумат шартномалари билан боғлиқ, фуқаролик хизмати томонидан содир этилса ёки жиноятга парламент аъзоси жалб қилинган бўлса, жазо муддати етти йилгача узайтирилиши мумкин.

Жарима ва қамоқ жазосидан ташқари, коррупцион жиноятда айбланган шахсга пора миқдорини жарима шаклида қайтариш талаб қилиниши мумкин.

Қонуннинг 26-моддаси, директорни ёки Бюронинг бошқа ваколатли зобитини хонага ёки қидиругва киришига қаршилик кўрсатиши, Бюро ходимини қонуний талабларига бўйсунмаслиги, қонунга мувофиқ ваколатга эга бўлган хатти-харакатларни бажаришига тўсқинлик қилиши ва оқилона асосда талаб қилиниши мумкин бўлган маълумотни яшириш жиноят, деб ҳисобланади ва 10 минг Сингапур долларидан ошмайдиган жарима ёки бир йилгача қамоқ ёхуд ҳар иккала жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги қонун Бюода коррупцион жиноятларни содир этганликда айبلاغан ахборотчиларнинг шахсини ҳимоя қилишни таъминласа-да, агар суд шикоятчини нотўғри маълумот берганликда гумон қилса, бу ҳимоя дарҳол йўқолади.

Бюро ходимига ёки коррупция билан боғлиқ ишни текшираётган фуқаролик хизматчисига ёлғон гувоҳлик берганлик учун қўлга олинган ҳар қандай фуқаро нотўғри айбловлар учун судга тортилади.

Сингапурнинг коррупцияга қарши қонunchилиги коррупционерларни жавобгарлик-

дан қочиш учун мавжуд бўшлиқларни ёпиш мақсадида мунтазам равиша таомиллаштирилиб борилади.

Ушбу қонунга ўтган йиллар давомида қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

- Бюро терговчиларига кўпроқ ваколатлар берилди;
- Бюро терговчилари тўланган соликлар ҳақида маълумот олиши имконига эга бўлдилар.
- Мансабдор шахслар ўзларининг, шунингдек хотинлари ва болаларининг бойликлари (кўчмас мулк, банкдаги ҳисоблари, акциялари ва ҳоказолар) ҳақида маълумот бериб боришилари шартлиги белгиланди.
- Сингапур фуқаролари мамлакат ташқарисида содир этилган коррупцион жиноятлари учун жавобгарликка тортилган ва улар мамлакат ичкарисида содир этилганидек, судланишлари белгиланди.
- Била туриб ёлғон гувоҳлик бериш ёки нотўғри маълумот берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.
- Фуқароларга Бюро терговчиларининг талабига биноан уларга зарур бўлган маҳфий ахборотни қонуний беришилари таъминланди.

1989 йилда коррупция тўғрисидаги қонун яна янги таҳрирда қабул қилиниб, унда судларга коррупцияда айбланган шахс ўзининг мол-мулки ва маблағларининг келиб чиқишини аниқ тушунтира олмаган тақдирда унинг ушбу мол-мулкини мусодара қилиш ҳукуқи берилди.

Судланувчи вафот этган тақдирда суд унинг мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукуқига эга бўлди.

Коррупцияга қарши кампания тўрт унсурдан иборат бўлиб, улардан биринчisi коррупцияга қарши курашувчи кучли ва мустақил хизматни ташкил этишдан иборат эди.

Ли Кuan Ю КТБни жуда кучайтириб, уни Сингапур бош вазирига бўйсундирди ва чексиз чинакам ваколатлар билан таъминлади.

Параллел равиша барча амалдорлар ва уларнинг оила аъзолари дахлсизликдан мосуво этилди. КТБ агентлари нафақат амалдорлар, шунингдек уларнинг болалари, хотинлари, қариндошлари ва ҳаттоқи дўстларига тегишли банк ҳисоб рақамлари ва мол-мулкларни текшириш ҳукуқига эга бўлишди.

Агар амалдор ва унинг оиласи топадиганидан кўпроқ харажат қилаётгани аниқланса, Бюро терговни бошлайди. КТБ суриштирувлари хукumatнинг олий эшелонидаги ирик пораҳўрларга қаратилган эди.



Кичик товламачи амалдорлар билан эса қарор қабул қилиш йўлларининг соддалаштирилиши, жамоатчилик ҳаётининг у қадар муҳим бўлмаган соҳаларида рухсатнома ва лицензиялашни бекор қилиш билан кураш олиб боришиди.

Аксилкоррупция дастурининг иккинчи унсури – Сингапурда факт жиҳатидан ҳукумат агенти, исталган давлат идораси ёки жамоатчилик ташкилотининг айбордлик презумпцияси жорий этилган эди. 1960 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ўз даромадларига мос бўлмаган дабдабали ҳаёт кечираётган ва мол-мулкка эга бўлган айбланувчи коррупцион даромадларга эга эканлиги — пора олганини исботловчи далил сифатида қабул қилинарди.

Ҳукумат билан алоқалар излаётган шахсдан ҳар қандай кўринишдаги совға-салом олган амалдор коррупцион йўл билан рафбат ёки мукофот олган ҳисобланади, токи унинг акси исботланмаса. Бу эса айбиззликни исботлаш мажбуриягини хизматчининг зиммасида қолдиради, у коррупцион схема доирасида мукофотни олмаганига судни ишонтиришга мажбур ҳисобланади.

Агар амалдорнинг айби исботланса, унинг мол-мулки мусодара этилади, ўзи улкан жарима тўлаб, яхшигина муддатга қамалади.

Учинчи унсур – амалдорларнинг ойлик иш ҳақлари радикал кескин оширилган. Ли Куан Ю давлат хизматчилари катта маош олишлари керак, чунки улар тартибли ва ҳалол ҳукумат вакили бўлиши керак, деб ҳисобларди.

Маошларнинг оширилиши давлат секторига энг яхши мутахассислар келишига замин яратди. Мамлакатда шиддатли иқтисодий ўсиш кузатила бошланганида, амалдорларнинг маошлари хусусий сектор даромадларига мутаносиб равишда ўса бошлади. Масъул лавозимларда ўтирган давлат хизматчилари ва судьялар хусусий корпорацияларнинг топ-менежерлари сингари маош ола бошлишди.

Ли Куан Ю бу тизимни самарасиз, деб ҳисоблади ва янги тизимни таклиф этди. Унга кўра вазирлар, судьялар ва олий мартабали давлат хизматчиларининг маошлари хусусий сектор томонидан тўланаётган солиқларнинг миқдорига автоматик тарзда боғлаб қўйилди. Ҳанузгача иш берёйтган иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш формуласи қўйидаги кўринишга эга: амалдорнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори хусусий секторнинг худди шу



даражадаги ишчилари даромадларининг улар декларация кўрсатган миқдорининг 2/3 қисмига тенг.

Тўртинчи унсур – коррупцияга оид барча фактларни бетиним ёритиб борувчи мустақил ва холис оммавий ахборот воситаларининг шакллантирилиши бўлди. Ўта дабдабали ҳаражатлар, порада пайқалган амалдор дарҳол нашрларнинг биринчи саҳифаларидан ўрин олар эди.

1989 йилда коррупцион хатти-ҳаракат учун максимал жарима миқдорини 10 мингдан 100 минг Сингапур долларигача кўтаришди. КТБга ёлғон гувоҳлик бериш ёки терговни чалғитиш қамоқ жазоси ва 10 минг доллар жарима билан жазоланадиган бўлди.

Коррупцион ҳаракатларда иштирок этиш ҳақида маълумотга эга бўлган ҳар қандай ходим жазоланиши керак. Агар етарли далиллар мавжуд бўлса, коррупцион мансабдор шахс жиноят содир этишда айбланиши мумкин.

Агар жиноят ишини қўзғатиш учун далиллар етарли бўлмаса, у интизомий жа-вобгарликка тортилади. Коррупция учун судланган мансабдор шахс пенсия ва бошқа имтиёзлардан маҳрум этилади.

Сингапур расмийлари, давлат хизматчиларини масъулияти оширилди. Жумладан, уларга ҳар қандай коррупция ҳақида хабар бериш, жамият аъзолари билан норасмий муносабатлардан қочиш, мансабдор шахс билан расмий муносабатларга киришиш, ўзи ва оиласининг манфаати учун тузиладиган бизнес лойиҳалар устидан назоратдан четланиш, муайян ҳаракатнинг ҳақиқийлиги ҳақида шубҳа туғилганда, раҳбар билан маслаҳатлашиш, ҳар доим содиқ ходим бўлиш ва ташкилот манфаатлари учун ҳаракат қилиш ва бошқа мажбуриятлар юклатилди.

Шу билан бирга расмий ва мансабдор шахслар бажаришлари чекланган ҳаракатлар рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, ҳар қандай мукофот ва совғаларни қабул қилиш, тушлик учун таклиф олиш, профессионал вазифасини бажарганилиги учун ўзгалардан чойчақа ундириш, белгул хизматидан фойдаланиш, қарз сўраш, расмийларнинг ёзма розилигисиз ишдан ташқари иш ёки тижорат фаолияти билан шуғулланиш, расмий муносабатларда бўлган ҳар қандай шахснинг офисига ёки уйига ташриф буюриш ва бошқалар тақиқланди.

Сингапурда мансабдор шахсларнинг, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан коррупция тузоқлари ҳақида мунтазам сұхбатлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Уларга коррупцион схемаларда тасодифан иштирок этмаслик ҳақида маслаҳатлар берилади.

Мансабдор шахслар коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги қонун доирасида жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириб борилади. Айниқса, давлат муассасаларида коррупция муносабатларининг юзага келиш имкониятларини камайтириш учун турли хил профилактика чоралари қўлланилади.

Ноқулай тартиб-қоидалар осонлаштирилади, рухсатномалар ва лицензияларни тақдим этишда кечикишлар бартараф этиш чоралари кўрилади.

Ҳар йили давлат амалдорлари ўзларининг қарзлари йўқлиги ҳақида маҳсус декларация бериб боришлари йўлга қўйилди. Бундай декларацияда мансабдор шахс томонидан ёлғон маълумот бериш уларнинг давлат хизматидан кетишига асос бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир мансабдор шахс хизматга қабул қилинганда ва ҳар йили ўз мол-мулкини ва бизнес инвестицияларини, шу жумладан хотини ва унга қарам бўлган болаларнинг инвестицияларини эълон қилиши шарт қилиб белгиланди.

Қонундаги икки хил маъно билдирувчи англашилмовчиликлар бартараф этилди.

Ушбу чоралар давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш, амалдорларнинг маошини ошириш, малакали маъмурӣ кадрларни тайёрлаш билан бирга олиб борилди.

Ҳамма нарсадан кўра қонун устуворлигини афзал кўриш, жамиятда барчанинг қонун олдида тенглиги принципини тарғиб қилиш ва унга амал қилиш, бу йўлда юқори мартабали амалдорлар ва қариндошларини ҳам аямаслик Сингапурда коррупцияни бартараф этиш ишига хизмат қилди.

Коррупцияга қарши курашиш ислоҳотлари давомида Суд тизимида ҳам қўйидаги ислоҳотлар амалга оширилди:

- суд тизими мустақиллиги таъминланди;
- судьяларнинг маошлари кескин оширилди;
- судьяларнинг ижтимоий мақоми таъминланди;
- пора олганлик ва берганлик учун жазо кескинлаштирилди;
- судга коррупция билан айбланган шахснинг келиб чиқишини аниқ тушунтира олмайдиган мол-мулк ва маблагларни мусодара қилиш ҳуқуқига эга бўлди;
- шерикнинг кўрсатмалари суд томонидан ишончли бўлмаган далил, деб баҳоланиши белгиланди;
- суд, бойлик ва тўланган солиқлар ўртасидаги фарқни коррупция ҳаракатларининг далилларини қўллаб-куvvatловчи далил сифатида эътироф этиши ҳуқуқига эга бўлди;
- суд жиноятчиларга асосий жазо ёки қамоқ муддатидан қатъий назар, олинган пора миқдорига тенг жарималар тайинлаш ҳуқуқини олди;
- пора миқдорини тўлиқ қайтариб бера олмайдиганлар учун қатъий суд ҳукми чиқарилиш ҳуқуқи берилди;
- агар суд бирорни коррупцияда айблаган шикоятчуни нотўзири маълумот берганликда гумон қилса, бу шахс Бюронинг ҳимоясидан дарҳол маҳрум қилиниши белгиланди.

Коррупцияга қарши фаолият юритаётган Transparency International нодавлат ташкилотининг 2011-2018 йиллар давомида ўтказилган сўровномалари натижасида мамлакатда коррупцияга қарши етарли даражада кураш олиб борилаётган, давлатнинг барча фаолияти шаффоғ бўлган ва коррупциявий ҳолатига деярли чек қўйган дунё мамлакатлари орасида Сингапур давлати турли йилларда биринчи ўнталиқдан жой олиб келаётганлиги, 2018 йил якунига кўра Данія, Янги Зеландия, Финландия, Швеция ва Швецариядан сўнг олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бугунга келиб, Сингапур жаҳонда ривожланган мамлакатdir. Ялпи ички маҳсулотнинг ахоли жон бошига тўғри келадиган улуши 53 минг АҚШ долларини ташкил қиласди.

Сингапурликларнинг 90 фоизи барча шароитларга эга бўлган уй-жойларга эга. Бу мамлакатда ишсизлик даражаси бор-йўғи 2 фоизни, ўртача иш ҳаки 5808 сингапур доллари(таксиман 40 млн сўм)ни ташкил этади. Сингапур долларининг қадри баланд. Инфляция даражаси 0,4 фоиз. Сингапурда эркак ва аёллар 62 ёшдан пенсияга чиқишиади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш жуда изчил амалга оширилаётган ҳозирги пайтда Сингапур тажрибаси қўл келиши табиий.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Коррупцияга қарши конвенциясига кўшилиши, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қоидларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши ва ушбу фармон асосида 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг тасдиқланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Сингапур тажрибасига таяниб, Республикаизда коррупцияга қарши курашишнинг янгича босқичига ўтиш ва ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида куйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириш жоиз бўлади:

1. Коррупцияга қарши курашиши самарадорлигини ошириш учун Президентга бўйсунувчи ва ҳисоб берувчи “Коррупцияга қарши курашиши қўмитаси”ни ягона орган сифатида шакллантириш, бу орган ваколатларини кучайтириш, коррупция жиноятига қўл урган мансабдор шахсга нисбатан текширув ўтказиш за суриштирувни бошлиш фақатгина ариза ёки бошқа ҳабар асосида эмас балки ҳар қандай шубҳа түгдирувчи маълумот, ҳисобот асос бўлишини белгилаш;

2. Қонундаги иккى хил маънони билдирувчи англашилмовчиликларни, шунингдек, коррупцияга мойил (коррупциоген) нормаларини қайта кўриб чиқиши ва бартараф этиш;

3. Коррупцияга қарши курашининг асосий ричаги — жазонинг муқаррарлиги ва жавобгарлик мавжудлигидан. Шундай экан Ўзбекистон Республикаси ЖКда алоҳида бобни “Коррупцион жиноятлар” деб атаб, мазкур бобда коррупцион жиноятларни бирлаштириб, уларга жазоларни муқаррар ва қатъий қилип

белгилаб, санкцияларда асосий жазодардан ташқари коррупцион жиноятни содир этган мансабдор шахсларни қонун билан белгилаб берилган минимал яшаши шароитидан ортиқча бўлган барча мулкларини улар кимнинг номига расмийлаштирилганлигидан қатъий назар давлат фойдасига мусодара қилиши назарда тутиши;

4. Матъмурий ва молиявий иш юритиши услубини ислоҳ этиши. Молиявий ресурсларни самарали бошқариш, аудит агентликлари ролини ошириш, давлат бюджети ва халқаро молиявий ташкилотлар тақдим этаётган кредитлар нима мақсадда, қандай сарфланаётгани ҳақида ҳам очик маълумотлар базасини ташкил этиши;

5. Матбуот эркинлиги ва маълумотлар очиқлиги коррупциянинг ашаддий кушандаси ҳисобланади. Шундай экан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳар қандай соҳани очик ойдин ёритишларига шарт-шароит яратиш, уларнинг фаолиятига аралашиш ёки қонунсиз тўсиклар аниқланган тақдирда жазо муқаррарлигини таъминлаш;

6. Давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг алоҳида мақомини белгилаб берувчи қонунни қабул қилиш;

7. Албатта судьянинг мустақиллигини таъминламай, уларнинг ижтимоий таъминоти ва хавфисизлигини тўла ҳолда кафолатламай турриб, коррупцияга қарши курашиб бўлмайди. Республикаизда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда уларнинг хавфисизлиги ва ижтимоий таъминотини кафолатловчи қонун нормалари мавжуд бўлса-да, аммо судларнинг мавқеи ҳали ҳануз энг катта коррупцион жиноятларни содир этиши мумкин бўлган мансабдор шахсларнинг мавқеидан анча паст эканлигини ҳисобга олган ҳолда судлар фаолиятини текшириш, судьяларга интизомий иш қўзгатиш, судьяларга нисбатан жиноий иш қўзгатишига рухсат бериш ваколатларини қайта кўриб чиқиши орқали суд тизими ва судьяларнинг мавқеи ва ҳимоясини янада ошириш.

Ушбу ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Республикаизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширади ва давлатимиз албатта жаҳоннинг энг ривожланган ва энг коррупциявий ҳолат кам бўлган давлатлар қаторига қўшилади.



Раҳимқул ТОШБОЕВ,

Судьялар олий мактабининг
Суд амалиёти муаммоларини
урганини маркази бош
мутахассиси



Шерзод ЮЛДАШЕВ,

Жиноят ишлари бўйича
Сергели туман судининг
судъяси

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СУД НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ

**АҚШ, Буюк Британия, Франция,
Германия тажрибаси мисолида**

*Жиноят ишини судга қадар юритиш ва жазони ижро этиши
босқичларида суд назоратини жорий қилиш юзасидан АҚШ, Буюк
Британия, Франция, Германия, Россия Федерацияси, Украина ва
Қозогистон Республикалари каби давлатларнинг суд назорати инс-
титутига оид жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлил қилинди.*

Таҳлил давомида ушбу мамлакатларда процессуал маҷбурлов чораларини, шу жумладан эҳтиёт чораларини кўллаши устидан суд назоратининг шакллари ва доираси, айрим тергов ҳаракатлари ўтказилишининг қонунийлиги ва асослилигини суд томонидан текшириш, дастлабки тергов органлари, жазони ижро этиши муассасалари, шунингдек прокурор ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларнинг суд томонидан кўриб чиқилиши тартиблари ўрганилди.

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, дастлабки тергов босқичида амалга ошириладиган суд назорати суд ҳокимиятининг одил судловни юритишдан ташқари, назорат қилувчи тадбирларнинг суд томонидан амалга оширилишидир. Ушбу суд ҳаракатлари қонун бузилишларнинг олдини олувчи ва хуқуқни тикловчи ҳаракатерга эгадир ва жиноий таъқиби амалга ошируви, фуқароларнинг


хуқуқлари ва эркинликларини чекловчи ор-
ганлар ҳаракатлари ва қарорларининг қону-
нийлигини ҳамда асослилигини таъминлаш
мақсадида амалга оширилади.

Суд назорати процессуал шаклда амал-
га оширилади ва дастлабки тергов орган-
лари томонидан эҳтимолий ҳатоларга йўл
кўйилишининг олдини олиш (тезкор-қиди-
рув тадбирларини, айрим тергов ҳаракат-
ларини ва бошқаларни ўтказишга рухсат
бериш) ва йўл кўйилган камчиликларни ту-
затиш, хуқуқни тикловчи қарорларни қабул
қилиш (тергов органлари, прокурор, судья-
нинг гайриқонуний ҳаракатлари ва қарор-
лари устидан келиб тушган шикоятларни
кўриб чиқиш) мазмунига эга.

Мазкур мақолада АҚШ, Буюк Брита-
ния, Франция, Германия каби ривожланган
давлатлар қонунчилиги мисолида жиноят
ишларини судга қадар юритиш босқичидаги
суд назорати институтининг ўзига хос ху-
сусиятлари тўғрисида сўз юритамиз.

АҚШда суд назорати:

АҚШда дастлабки тергов олдида жиноят фактини ва гумонланувчи шахснинг айбини тасдиқловчи маълумотларни йиғишдан иборат айблок вазифаси туради. Шахсни оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи маълумотларни аниқлаш ва йиғиш – гумон қилинувчининг ёки унинг ҳимоячисининг ишидир. Бундай тортишувчанлик принципи асосига қурилган АҚШдаги дастлабки тергов мамлакатимиздаги дастлабки терговга тўла мувофиқ келмайди, у бирмунча соддароқ ва асосан қуидагиларни ифодалайди:



а) жиноят ва уни содир қилган шахс тұғрисидаги маълумотларни, материалларни судга тақдим қилиш учун йиғиш, суд муҳокамаси давомида эса уларни далиллар деб тан олиш масаласи ҳал қилинади;

б) тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш учун ордерни асослаш ва ушбу процессуал мажбурлов чораларидан фойдаланиш учун маълумотлар йиғиш. Бунда шуни қайд этиш лозимки, жиноят ва уни содир қилган шахс тұғрисидаги маълумотлар асосан тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш пайтида йигилади. Шундай қилиб, тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш – дастлабки терговнинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади ва АҚШда қарийб ҳар бир жиноят иши, шу жумладан кам аҳамиятли жиной жазога сазовор қилмишларга оид ишлар ҳам қамоққа олишдан ёки тинтүв ўтказишдан бошланади.

АҚШда жиноят ишларини тергов қиладиган, қамоққа олишни ва тинтүв ўтказишни амалга оширадиган асосий орган бу – полициядир. Қайд этиш лозимки, полициянинг ҳаракатлари орқали эълон қилинган процессуал кафолатлар амалга оширилади. Масалан, қамоққа олишни ва тинтүв ўтказишни тартибиға солувчи АҚШ Олий судининг кўпгина қарорлари ва процессуал қонунчиликнинг бошқа нормалари полиция томонидан амалга оширилади.

Процессуал мажбурлов чораси тұғрисидаги масалани қўйишда полиция ходими у ёки бу ходиса-воқеа ҳолатига, вазиятга ва бошқаларга баҳо беради. Айнан полиция ходимиға қонун асосида фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини чеклаш, тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш имконини берадиган кўплаб ваколатлар берилган.

Қамоққа олиш ёки тинтүв ўтказиш тұғрисидаги масалани қонуний ҳал қилиш АҚШ жиноят процессида судлар ваколатига берилган. АҚШ Конституциясига IV тузатиш, яъни "Ҳуқуқлар тұғрисидаги Билл"га кўра, "Халқнинг шахсни, турар жойни, ҳужжатларни ва мулкни асоссиз тинтүвлар ва қамоққа олишлардан кўриқлашга бўлган ҳуқуқи бузилмаслиги шарт. Бирон-бир ордер қасамёд ёки жиддий баёнот билан тасдиқланган етарли асосларсиз берилиши мумкин эмас; бунда ордер тинтүв ўтказиладиган жойнинг, қамоққа олинадиган шахсларнинг ёки предметларнинг тўлиқ баёнини акс эттириши шарт". Шундай қилиб, тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш фақатгина суд томонидан бериладиган бўйруққа асосан амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, шахс тинтүв ўтказишга ихтиёрий розилик берган ҳолларда, транспорт воситаларини тинтүв қилиш, умумфойдалана-



нишдаги жойларни тинтүв қилиш, чегарадан ўтишда тинтүв қилиш, шунингдек алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда тинтүв ўтказиш суднинг бўйруғисиз ҳам амалга оширилишига йўл қўйилиши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Тинтүв ўтказиш ва қамоққа олишда полиция хатоларининг олдини олиш усууларидан бири бу – ноқонуний олинган далилларни суд томонидан мақбул эмас, деб топилиши тұғрисидаги қоиданинг қўлланишидир. Полиция томонидан тинтүв ўтказиш ва қамоққа олиш тұғрисидаги ордер ижроси давомида олинган маълумотларни баҳолай туриб, суд полиция иши устидан назоратни амалга оширади.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асослар мавжуд бўлганда, полиция ёки бошқа тергов органи шахсни қамоққа олишга ёки у жойлашган жойда тинтүв ўтказишга ордер бериш ҳақидаги аризани расмийлаштиради. Ариза қасамёд остида судья-магистратга тақдим этилади, судья-магистрат бунга етарли асослар мавжудлигини текширади ва шундан сўнг ордер беради ёки уни беришни рад қиласи. Ордер расмийлаштириш (бериш) процессуал акт ҳисобланиб, расмий жиҳатдан жиноий таъқиб қўзғатилганлигини англатади, тинтүв ўтказиш ёки қамоққа олиш тұғрисидаги ордер дастлабки айблов ҳужжати ва жиноят ишини юритиш расмий бошланганлигини акс эттирувчи ягона ҳужжат ҳисобланади.

Тинтүв ўтказишга ёки қамоққа олишга ордернинг судья – "бетараф ва холис магистрат" томонидан тасдиқланиши – жиноят ишини қўзғатиш ва фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асослар мавжуд бўлиши шартлиги тұғрисидаги конституцион талабга риоя қилиниши устидан суд назоратини таъминлайди.

Суд ҳокимиятининг вакили жиноий таъқиб қўзғатилишининг асослигиги холис, бетараф ва олдиндан тахмин қилмасдан баҳолайди, буни эса полиция ёки атторней хизмати ўз функцияларининг айблов табиатига кўра амалга ошира олмайди, деб ҳисобланади.



Акмал САИДОВ, академик

Мамлакатимиз мустақиллиги кутлуг 28 ёшга қадам қўйди. Бугун мустақил давлатимизда амалга оширилган бекиёс ислоҳотлар дунёга таникли эксперталар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Дарҳақиқат, тарихан шу қисқа даврда қўлга кирилтган натижалар салмоғи билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айнан мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам мисли кўрилмаган амалий ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳнамолигида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган стратегик ғоя ҳаётий ҳақиқатга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазиригининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида”ги («Жаслиқ» қўргонида жойлашган) қарори том маънодаги тарихий қарор бўлди.

Мазкур қарор моҳияти ҳақида гапирганда қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

- биринчидан, энди “Жаслиқ”даги каби ҳолатлар яна қайтарилмайди;
- иккинчидан, “Жаслиқ” ўрнида бу каби бошқа муассаса очилмайди;
- учинчидан, биз “Жаслиқ”нинг салбий тажрибасидан дарс олишимиз керак деб ҳисоблайман.

Бу нафақат миллий, балки ҳалқаро миқёсда ҳам резонанс ҳолат бўлди. Ҳалқаро эксперт Стив Свердловнинг сўзлари билан айтганда, “Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий жасорати бўлди. Бу тан олиш керак, тарихий воқеа.”

28 йиллик истиқтол даври буюк тарихимизнинг энг ёрқин, энг шонли саҳифаларини безади. Мана шу йиллар давомида мамлакатимизда инсонийлик ва эзгулик тамоийларига асосланган ҳукуқий демократик давлатнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Ҳалқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами билан барча Ватандошларимизни чин дилдан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз осуда бўлсин.


Буюк Британияда суд назорати:

Англияда 1679 йил 26 майда қабул қилинган “Хабеас корпус” институти, деб ном олган қонунда белгиланган тартибга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи суд хузурига дарҳол олиб келиниши ва шахсни қамоққа олишга суднинг розилигини олиш учун қонуний асослантирилган тегишли хужжатлар тақдим қилиниши керак ва бундай асослар бўлмаганда шахс “Хабеас корпус” буйругини чиқариш йўли билан озод қилинади.

Буюк Британияда тинтуб умумий қоидага кўра, суд буйруғи асосида ўтказилиши лозим. Шу билан бирга, айрим ҳолларда шахсни қамоққа олиш билан боғлиқ ҳолатда шахсий тинтуб ўтказиш, гумон қилинаётган шахснинг турар жойида, транспорт воситасида ўғирланган ёки бошқа таъқиқланган буюмлар мавжуд, деган асослар бўлганда тинтуб ўтказиш суднинг буйруғисиз ҳам амалга оширилишига йўл кўйилиши мумкин.

Умумий ҳуқуқ нормаларига кўра, ушланган шахс 24 соат ичидаги судга қамоқда сақлаб туриш асосларини текшириш учун келтирилиши лозим. Шунингдек, 1952 йилда қабул қилинган “Магистрат судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 38 (1)-моддасига кўра, полиция инспектори ёки ушланган шахс олиб келинган полиция участкасининг масъул офицери иш ҳолатини ўрганиб, ушланган шахсни гаров асосида қўйиб юбориш ёки қамоқда сақлаб туриш тўғрисидаги масалани ҳал қиласди. Шу билан бирга ушбу Қонуннинг 38 (4)-моддасида полиция ушланган шахсни қамоқда сақлаб туриш асосларини текшириш учун “имкони борича тезроқ” судга олиб келиниши лозимлигини назарда тутади.

Жиноят содир этган шахс аниқланганидан ва ушбу шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд, деган хulosага келинганидан сўнг полиция магистрат судига бу ҳақда маълумот билан мурожаат қиласди. Маълумот тақдим этилган пайтдан бошлаб процессуал мажбурлов чораларини кўллаш жараёни бошланади. Тақдим этилган маълумот судъяга якка тартибда айбланувчи шахсни судга келтириш тўғрисида чақирав қофози (summons) бериш ҳукуқини беради ва унда судга тақдим этилган маълумот мазмуни, суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилади.



Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги судьянинг буйруғи фақатгина полиция томонидан қасамёд остида тақдим этилган маълумот асосида берилади ва имзоланиди. Ушбу буйруқда қамоққа олиниши лозим бўлган шахс ва содир этилган жиноят тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қамоққа олиш учун бошқа асослар баён қилинади.

Шунингдек, бинода тинтуб ўтказиш тўғрисидаги судьянинг буйруғи тинтуб ўтказилиши лозим бўлган бинога кириш, агар зарурият бўлган ҳолларда куч ишлатган ҳолда киритишга рухсат беради. Ушбу буйруқда тинтуб ўтказаётган шахс бинода бўлган шахсларни қамоққа олиш хукуқига эгалиги тўғрисидаги қўшимча шартлар ҳам баён этилиши мумкин.

Францияда суд назорати:

Францияда суд назорати институти икки аср давомида шаклланган бўлиб, бугунги кунда жуда мураккаб ва шу билан бирга изчил ташкилий тузилмага эга.

Францияда дастлабки терговни амалга ошириш суд ҳокимиютининг ваколатига тааллуқлидир, шунинг учун ҳам иккига бўлинувчи тергов органлари, жумладан умумий юрисдикция тергов органлари ва ихтисослашган тергов органлари суд тизимининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Иккита умумий юрисдикция тергов органлари мавжуд: тергов судьяси (биринчи инстанция) ва тергов камераси апелляция суди (иккинчи инстанция).

Францияда дастлабки тергов тергов судьяси томонидан олиб борилади ва унинг процессуал ҳолати икки тарафламадир. Яъни, у ташкилий жиҳатдан суд инстанцияларига бўйсунсада, ўз функциясини бажаришда прокурорга ҳам боғлиқдир, бироқ унинг талабларини бажаришга мажбур эмас. Масалан, прокурорнинг тергов давомида жиноий таъқибдан воз кечиши тергов судьясига терговни тугатиш мажбуриятини юкламайди. Шунингдек, тергов судьясига айланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш учун республика прокурорининг санкцияси талаб қилинмайди.

Айланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида вақтинча қамоққа олишга киришган тергов судьяси айланувчини ўзининг ҳимоясини амалга оширишга тайёргарлик кўриши учун муддат тақдим қилиниши хукуқи ҳақида, шунингдек ҳимоячига эга бўлиш хукуқи ҳақида огоҳлантириши шарт.

Франция ЖПК 145-моддасининг 2-4-қисмларига кўра, тергов судьяси фикр алмашиш тартибида республика прокурори талабини, айланувчи ва унинг ҳимоячиси

эътиrozларини тинглайди. Фикр алмашиш натижасига кўра, тергов судьяси айланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қиласди. Бунда фикр алмашиш тарафларнинг тортишувчанлиги шароитида амалга оширилиши шарт.

Франция ЖПКга кўра, тергов судьяси жиддий асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши лозим, бироқ қонун тергов судьясига тергов манфаатлари учун ушбу эҳтиёт чораси муддатини чекланмаган вақта узайтириш хукуқини беради.

Агар тергов судьяси содир этилган қилмиш таркибида жиноят аломатларини аниқласа, терговни якунлаб ишни айблов камерасига юборади.

Айблов камераси ҳар бир апелляция суди таркибида мавжуд бўлиб, иккинчи инстанция тергов органи сифатида фаолият юритади ҳамда раис ва иккита аъзодан иборат бўлади. Айблов камераси бир вақтнинг ўзида тергов судьяси фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва унга нисбатан интизомий чора қўллаш ваколатига эгадир.

Франция ЖПКга кўра, айблов камераси эга бўлган муҳим ваколатлар қаторига: тергов ҳаракатларининг тўғри ўтказилганлиги устидан назорат (206-модда), қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида фармойиш бериш (201-модда), жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар доирасини кенгайтириш (204-модда), жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги учун ишни тугатиш (212-модда) ва бошқалар киради.

Айблов камераси назорат инстанцияси сифатида тергов судьясининг қарорлари ва фармойишларини назорат қиласди, жиноят процесси иштирокчиларининг тергов судьяси, прокурор ёки суд полицияси мансабдор шахси томонидан ЖПК нормалари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатларини



кўриб чиқади. Айблов камерасига мурожаат қилиш ҳуқуқи нафақат тергов судьяси ёки прокурорга, балки айбланувчига, фуқаровий даъвогарга, жабрланувчига ва ҳимоячиға ҳам тааллуклидир.

Бундан ташқари, Францияда 1985 йил 10 декабрдаги қонунга кўра, тергов устидан назорат олиб борувчи янги коллегиал орган – тергов палаталари (*chamber d'instruction*) ташкил этилган. Ушбу тергов палаталари 1988 йил 1 март кунидан бошлаб фаолият юрита бошлаган.

Тергов палаталари юқори инстанция трибуналлари қошида учта профессионал судьядан (улардан иккитаси тергов ишлари бўйича меҳнат амалиётига эга бўлиши шарт) иборат таркибда ташкил этилади. Улар трибунал раиси томонидан уч йил муддатга ёрдамчи магистратлар коллегиясига бириклирлган ҳолда тайинланади.

Тергов палатаси дастлабки тергов устидан кенг қамровли назорат олиб бориш вазифасини амалга оширади. Яъни, у қўзғатилган жиноят иши юзасидан жиноий таъқибининг қонунийлиги ва асослилигини, тергов органларининг компетентлилигини, у ёки бу шахснинг айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинишининг асослилигини, қамоққа олиш ва ушлаб туришнинг, тинтуб ва олиб қўйишнинг қонунийлигини текширади, тергов иш юритувини ажратиш ёки бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини ҳал қиласди. Шунингдек, мураккаб жиноят ишлари бўйича бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта тергов судьяларини терговни юритишга жалб қилиш масаласини ҳал қиласди.

Германияда суд назорати:

Германияда судга қадар иш юритув икки босқичдан, яъни суриштирув ва дастлабки терговдан иборат. Жиноят иши полиция томонидан тўпланган маълумотлар асосида прокурор томонидан қўзғатилади. Германияда жиноят ишини юритиш ЖПК билан тартибга солинган.

Германия ЖПК айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш, процессуал мажбурлов чораларини кўллаш, шунингдек дастлабки тергов устидан суд назоратини амалга ошириш тартибини белгиловчи ягона ҳуқуқий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Германия ЖПКга кўра қуйидаги тергов ва процессуал ҳаракатлар суднинг қарорига кўра амалга оширилади:

айбланувчини кузатиши учун руҳий касалхонага жойлаштириш;

айбланувчи баданини гувоҳлантириш, қон намунасини олиш, бошқа шахсларни гувоҳлантириш;

нарса ва предметларни олиб қўйиш; телефон сўзлашувларини назорат қилиш;

почта хабарномаларини (ёзишмаларини) олиб қўйиш;

тинтуб ўтказиш;

мулкни хатлаш ёки олиб қўйиш;

даврий нашр маҳсулотларини олиб қўйиш;

тергов қамогини кўллаш;

тергов қамогининг қонунийлигини текшириши.

Юқорида келтирилган рўйхатдан кўринадики, дастлабки тергов устидан суд назоратининг кўлами анча кенгdir. Ушбу тергов ва процессуал ҳаракатлар устидан суд назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтирамасдан, нисбатан мухимроқ бўлган масала дастлабки тергов давомида шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш тартиби ҳақида сўз юритишимииз мақсадга мувофиқдир.

Германия ЖПКнинг 112 § га кўра, агар иш аҳамиятига, тайинланиши мумкин бўлган жазо турига ёки шахсни тузатиш ва хавфсизлик чораларига мувофиқ бўлмаса, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш мумкин эмас. Германия Федерал конституцион суднинг тушунтиришича, мувофиқлик принципи шахс ҳокимият томонидан унинг ҳуқуқларига дахл қилинишидан ҳимояланган бўлишини талаб қиласди. Агарда шахснинг ҳуқуқларига дахл қилиниши мукарар пар бўлса, суд қарорида шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини



күллаш асослари ва мақсади оддий ва тушунарли тарзда баён этилиши лозим.

Шу сабабли, Германия ЖПКнинг 114 § шахсни қамоққа олиш ҳақидаги суд буйругига айбланувчи, у томонидан содир қилинган жиноий қилмиш, унинг юридик квалификацияси тўғрисидаги маълумотлар, қамоққа олиш учун асослар, гумонни тасдиқловчи фактлар кўрсатилган бўлиши лозимлигини талаб қилади. Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ билан айбланувчи таниширилиши шарт (114a §). Айбланувчининг қамоққа олинганилиги ва кейинги суд қарорлари ҳақида унинг қариндошлари ёки ишонч билдирилган шахс хабардор қилинади (1146 §).

Айбланувчининг қамоққа олиниши зудлик билан текшириш чораларини кўришни талаб қилади. Германия ЖПКнинг 115 § га асосан, қамоққа олинган шахс уни қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқни чиқарган судьяга келтирилиши ва айблов предмети бўйича сўроқ қилиниши лозим. Агар айбланувчининг сўроғидан сўнг қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ кучида қоладиган бўлса, судья қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қамоққа олишнинг мақсадига эришиш учун етарли бўлган бошқа енгилроқ чораларга алмаштириш масаласини муҳокама қилади. Масалан, айбланувчи зиммасига муайян мажбуриятларни бажариш (рўйхатдан ўтиш, яшаш жойини тарқ этишни таъкидлаш), уй қамоги, гаров юклатилиши мумкин (116 §). Агарда қамоққа олиш бошқа чоралар билан алмаштирилмаса, текшириш фаолиятининг иккита шаклдаги, яъни: 1) қамоққа олиш тўғрисидаги суд буйруғи устидан хусусий шикоят қилиш ёки 2) маҳсус суд иш юритуви тартибида қамоққа олишнинг қонунийлиги, асослилиги, қамоққа сақлаш муддати тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш каби янги босқичи бошланади.

Одатда иккинчи инстанция суди хусусий шикоят бўйича оғзаки суд муҳокамасини ўтказмасдан туриб қарор қабул қилади, фақат зарурият бўлганида прокурор фикри тингланиши мумкин (309 §). Бирок, қамоққа олиш тўғрисидаги суд буйруғи устидан хусусий шикоятни кўришда суд муҳокамасининг оғзаки тартиби, айбланувчини, унинг ҳимоячисини, прокурорни судга чақириш ва уларни тинглаш мажбурийдир (118 §).

Маҳсус суд иш юритуви қонунда “Қамоққа олишни текшириш”; деб номланган бўлиб, ишни тўлиқ ва зудлик билан кўриб чиқишининг муҳим кафолатларини назарда тутади (117, 118, 118a, 118б §). Қамоққа сақланнаётган айбланувчи ҳоҳлаган вақтда қамоққа олишни бекор қилиш ёки бошқа енгилроқ чоралар билан алмаштириш мақсадида, қамоққа олиш-



ни текшириш ҳақида илтимоснома киритиши мумкин. Текшириш участка судининг судьяси томонидан якка тартиба амалга оширилади. У суд муҳокамасига қадар қамоққа олишнинг қонунийлиги тўғрисидаги масалани батафсилроқ кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлган айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга буйруқ бериши мумкин. Суд муҳокамасида прокурор, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирок этади ва барча иштирокчилар тингланиши лозим. Даилиллар текширувининг ҳажми ва турини судья белгилайди. Суд муҳокамаси якуни бўйича суд қарори қабул қилинади. Агарда қамоққа олиш тўғрисидаги суд буйруғи ўз кучида қолдирилса, айбланувчи ишни қайтадан кўришни талаб қилиш хуқуқига эга ва унга бу ҳақда тушунтирилади.

Шунингдек, айбланувчини қамоққа сақлаш муддатини узайтириш масаласи ҳам суд муҳокамасида кўриб чиқилади. Германия ЖПКнинг 121 § га кўра, агар муддат узайтирилмаган бўлса, олти ой муддат ўтгач айбланувчи қамоқдан озод қилиниши шарт. Айбланувчини қамоққа сақлаш муддатини узайтиришга тергов ишлари кенг ҳажмли ва мураккаб бўлган ёхуд бошқа муҳим асослар ҳукм чиқариш имконини бермаган ва муддатни узайтириш ўринли бўлган ҳоллардагина йўл кўйилади. ЖПКнинг 122 § га асосан айбланувчини қамоққа сақлаш муддатини узайтириш масаласи прокурор илтимосномасига кўра, олий ерлик суди (высший земельный суд) томонидан кўриб чиқилади. Суд қамоққа олишнинг қонунийлигини текшириш тартибида (117-118б §) ўтказилган оғзаки суд муҳокамаси яқунлари бўйича қамоққа сақлаш муддатини узайтириш юзасидан ўз қарорини чиқаради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, суд назорати институтини қўллаш бўйича кўп йиллик тажрибага эга ривожланган давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва жиноят процессида суд назорати институтини такомиллаштириш борасида ушбу давлатларнинг илгор тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.



Акмал РАҲИМОВ,
Фарғона туманлараро
иқтисодий
судининг раиси

ODILLIK
MEZONI

ВАКИЛ ҲАРАЖАТИНИ УНДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 61-моддаси биринчи қисмига мувофиқ судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиласидиган органлари ва (ёки) вакиллари юритади.

Мазкур модданинг бешинчи қисмida судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Амалиётда, аксарият ишларни кўриб чиқишида тарафлар номидан вакил сифатида адвокатлар иштирок этади ҳамда ишонч билдирган тарафнинг ҳукуқ ва манфаатларини химоя қиласидилар.

Адвокат бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги шартнома асосида тарафнинг вакили сифатида низо юзасидан судга даъво тайёрлаш, суд муҳокамасида иштирок этиш ва ўзининг вакиллик ваколати доирасида бошқа вазифаларни бажарганилиги учун маълум миқдорда ҳақ – гонорар олади, шу боис, суд муҳокамаларида вакилнинг ҳаражатини қоплаш билан боғлиқ масала ҳам кўтарилиши табиий ҳол.

ИПК 112-моддасида “Суд ҳаражатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидан иборат бўлади”, деб белгиланган.

ИПК 116-моддаси 1-қисмига кўра, суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта ха-

ражатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўtkазиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўtkазиш билан боғлиқ ҳаражатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлардан иборатdir.

Мазкур мақолада, иқтисодий судлар томонидан ишни кўришда тарафнинг шартнома асосида ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланганлиги учун адвокатга тўлаган гонорарни жавобгар ҳисобидан қоплаш ҳақидаги талабининг ҳал этилиши билан боғлиқ амалиётга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Судлар амалиётини таҳлил этсак, даъво аризасида келтирилган даъвогарнинг шартнома асосида ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланганлиги учун адвокатга тўлаган гонорарни қоплаш билан боғлиқ талабни ҳал этишда судларда яқдил амалиётнинг мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, аксарият ҳолларда судлар томонидан бундай талаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосланиб, етказилган зарар деб баҳолангандан ҳолда қаноатлантирилган бўлса, айrim ҳолларда ушбу талабни қаноатлантириш рад этилган.

Фикримча, тарафнинг шартнома асосида кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун адвокатга тўлаган маблагини зарар деб баҳолаш ҳамда ушбу талабни ФКнинг зарар билан боғлиқ умумий қоидалари билан малакалаш нотўғридир.

Ҳолбуки, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ зарар айбор шахс ҳисобидан тўлиқ қопланиши лозим, қонун зарар этишида жабрланувчининг ўзи тўлиқ ёки қисман айборлорлиги исботланмагунига қадар, етказилган зарар микдорини камайтиришга ёки буткул рад этишга изн бермайди. (ФК 1004-моддаси).





Мазкур харажат (чиқим) фуқаролик хукуқий муносабатдан эмас, балки процес-суал хукуқий муносабатдан келиб чиқа-ди, шу боис, тарафнинг шартнома асосида кўрсатилган хукуқий ёрдам учун адвокатга тўлаган маблағи суд харажати (суд чиқими) хисобланади ҳамда уни жавобгар хисоби-дан тўлиқ ёки қисман ундириш каби маса-лалар ИПКнинг тегиши нормалари билан тартибига солиниши лозим.

Амалдаги бошқа кодексларимизда бун-дай харажатлар суд чиқими деб хисобла-нади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 136-моддасида “Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга доир харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради. Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарил-ган тарафга адвокат белгиланган тартибида мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (хайъати, фирмаси) фойдасига ундирила-ди”, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят про-цессуал кодексининг 318-моддасига муво-фиқ гумон қилинувчи, айбланувчи ва суд-ланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганилик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақ процессуал чиқим деб ном-ланади.

Шунингдек, бу борада чет эл қонунчи-лигига мурожаат қилсак, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 106-моддасида адвокат хизмати учун тўланган маблағлар ҳам суд харажатлари таркибиға кириши кўрсатиб ўтилган.

Шартнома асосида кўрсатилган хукуқий ёрдам учун адвокатга тўланган маблағ суд харажати (суд чиқими) хисобланганлиги са-бабли, суд уни бошқа тараф хисобидан ун-

дириш масаласини ИПКнинг 118-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал этиши лозим ва Фуқаролик кодексининг зарарни қоплашга оид нормаларини қўллаши мум-кин эмас.

ИПК 118-моддаси 1-қисмида “Суд ха-ражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қоноатлантирилган даъво талаблари миқдо-рига мутаносиб равишда уларнинг зиммаси-га юклатилади”, деб кўрсатилган.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 91-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузила-диган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга ошири-лади. Шу боис, адвокат томонидан кўрсати-ладиган хукуқий ёрдам учун тўлов (гонорар) миқдори, адвокат ва унинг мижози (тараф) ўртасида тузиладиган шартномада ўзаро келишилган ҳолда белгиланади.

Гонорар суммасини белгилаш эса, адво-кат ва тарафнинг ўзаро хоҳиш ва иродала-рига мувофиқ, ишнинг мураккаблик дара-жаси, адвокатнинг иш тажрибаси ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, ўзаро келишил-ган ҳолда амалга оширилади.

Гонорар суммасининг юқори ёки мини-мал миқдорлари қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаб қўйилмаганлиги сабабли, судлар адвокатга тўланган маблағни унди-риш ҳақидаги талабни кўриб чиқишида, ушбу сумма миқдорини ишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб оқилона миқдорга қадар ка-майтиришлари лозим. Бунда профессионал юридик хизматдан фойдаланган тараф ушбу юридик хизматнинг заруриятига ва ундан фойдаланилганлигини, юридик хизмат учун тўланган маблағлар миқдорининг оқилона даражада эканлигини тасдиқловчи далил-ларни тўлиқ тақдим этишлари шарт.



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси, Ўзбекистон ҳалқ шоири:

Мустақиллик – йиллар ўтган сари қадри ортиб бораверадиган байрам. Чунки ортда қолаётган дамлар истиқол неъмати туфайли нималарга эга бўлганимизни бизга англата боради.

Хурлика эришган ўзбек ўз юртида қадр топди, фурури тоғдек юксалди. Буюк ажоддлари, бебаҳо хазиналари билан фахрланиш имконини кўлга киритди. Тенглар ичра тенг бўлиб, дунёга ўз сўзини айта бошлади. Бу даражада ҳар бир ҳалқ учун, унинг ҳар бир вакили учун нечоғлик муҳимлигини барчамиз яхши англаймиз. Шундай экан, биз учун ватанимиз мустақилликка эришган кун, ҳеч шубҳасиз, энг улуғ ва энг азиз байрамдир.

“Одиллик мезони” журнали воситасида ушбу байрам билан нашрнинг барча муштариликларини, жумладан, суд-хуқук соҳаси вакилларини ҳам муборакбод этаман. Ҳамиша элу юрт корига камарбасталик баҳтидан сурур туюб яшайлик!

**Баланд-баланд тогларда
Бекорларга қор бўлмас.
Чирқираган полапон
Бежиз бир кун сор бўлмас.
Бўталари изидан
Келмаса гар нор бўлмас,
Юртнинг – сенинг юзингдир,
Юртнинг ўзи бор бўлмас.**

Хусусан, судлар томонидан адвокат хизмати учун тўланган маблағни айбдор тарафдан ундириш масаласини ҳал этишда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим:

★ хуқуқий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги шартноманинг мавжуудиги ва унда кўрсатиладиган хуқуқий ёрдам учун тўлов миқдорининг аниқ суммаларда белгиланганлигига;

★ адвокат томонидан шартномага асосан низо юзасидан даъвогарга хуқуқий ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуудигига ва ушбу шартнома асосида бажарилган ишлар ҳажмига;

★ адвокатга шартномада келишилган тўловларни амалга оширилганлигига (тўлов хужжатлари тақдим этилганлигига);

★ даъвонинг баҳосига ва унинг аҳамиятига (ҳал қилув қарорининг тарафларнинг ишчанлик обру ёзтиборига таъсири ёки оммавий таъсири);

★ тарафлар йирик, кичик бизнес субъектларига мансублигига;

★ низони судгача ҳал этиши чоралари қўрилганлиги ва уларнинг натижасига;

★ низонинг категориясига (мураккаблик даражасига);

★ адвокат хизматидан фойдаланилган тарафнинг штат бирлигига юрист штатининг мавжуудигига ва ҳоказо бошқа ҳолатларга.

Суд қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратган ҳолда тақдим этилган далилларни текшириши ва шундан келиб чиқиб тарафнинг судда вакиллик қилган адвокатга тўлаган маблагини бошқа тараф ҳисобидан ундириш масаласини ҳал этиши, далиллар етарли бўлмаган, шунингдек гонорар суммаси оширилган деб ҳисобланган тақдирда ушбу суд чиқими суммасини оқилона миқдорга қадар камайтирган ҳолда ундириш, бундан ташқари, ИПК 118-моддаси талабларига мувофиқ даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, бундай харажат суммасини даъвогарнинг қаноатлантирилган ва рад этилган талабларига мутаносиб равишда ундириш чорасини кўриши лозим.

Судлар томонидан ишни кўриш ва суд харажатларини ундириш билан боғлиқ амалиётни бир хиллаштириш мақсадида, судларда суд харажатларини ундиришга доир суд амалиёти хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорини қабул қилиш ҳамда ушбу қарор билан суд харажатлари (чикимлари) таркиби, уларни ундириш масаласи, вакил-адвокат хизмати учун тўланган маблағни оқилона миқдорини белгилаш ва ундиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Суриядада Дамашқнинг машхур сулоласидан етишиб чиққан қози калон яшар эди. Унинг тиббиёт институтини битириши арафасида турган ўғли йўлни кесиб ўтаётган пайтда уни киракаши машинасида уриб юборди. Йигит вафот этди. Киракаши ўзини полиция ихтиёрига топшириди. Уни ҳибсга олдилар.

КИМ ФОЙДА ҚИЛДИ?

Камбагал киракашининг қариндошлари йигилиб, шайх Мұхаммад Айвазнинг ҳузурига келишиди:

— Биз фақир кишилармиз, марҳумнинг хунуну тўлай олмаймиз, ёрдам беринг, — дедишиди.

Мұхаммад Айваз Дамашқнинг барча шайхларидан етарлича пул ииғеди ва уларни эргаштириб қозининг ўйига борди. Унга таъзия билдириб, тасалли берди, сўнгра улар орасида шундай мулоқот кечди:

— Киракаши ҳам, яқинлари ҳам фақир одамлар. Қариндошлари ёрдам сўраб келишиди. Биз шайхлар билан пул тўпладик. Шуни марҳум ўғлинигизнинг хуни сифатида қабул қилинг.

— Мен бир танга ҳам олмайман. Ўғлимнинг бошига келгани, менинг бошимга келгани. Аллоҳнинг ёзганига розиман. Ўғлимнинг қонини сотайми энди?

— Олинг ҳазрат, онасига берарсиз, тасалли бўлади...

— Онасининг сабри менинг сабримдан ҳам кучлироқ. У мени сабр қилишига ундаяпти. Ўша ўғлимни уриб юборган киракашни кечиришига даъват этмоқда. Пулларинг керак эмас. Эй шайх Мұхаммад Айваз, сизлар менинг ўйимга бир нарсани умид қилиб келдиларинг, мен ўйимдан сизларни умидсиз, хафа қилиб, чиқариб юборишдан кўркаман. Эртага маҳкамага ўзим бораман-да, ўша камбагал киракашни озод этиб юбораман.

Шайх ва унинг ҳамроҳлари қозининг хонадонидан қувониб чиқшиди. Иш киракашни маҳкамадан чиқариб юбориш билан яқунланди.

Қози ҳам, шайх ҳам кейинги фаолиятини Саудияда давом эттирилар. Орадан ишлар ўтгач қозига бир дард келди. Бада-



нининг ярми ишламай қолди, ҳаракатсиз ва сўзсиз кўйга тушди. Бемор Германия ва бошқа тиббиёти ривожланган давлатларда ҳам қаратилди, лекин натижса бўлмади.

Қозининг болалари шайх Мұхаммад Айвазга: “отамга ёрдам берсангиз, бизга қайтариб юборсангиз, охирги кунларини уйларида, болалари ёнида ўтказса”, деб мактуб йўллади. Шайх қозини ўйига юборишга тараффудланаётганда, у кетишидан олдин Умра зиёратини адо этиб олии истагини билдириди. Қозини Маккага олиб келишиди. У маҳаллар дардманларни тўрт барзаниги йигит занбилда кўтариб, зиёрат қилидирарди. Қозини замбилга ўтқазиб Каъбани айлантираётганларида, у дуо қилиб, Аллоҳга ёлворди: “Бир вақтлар бутун Дамашқ шайхлари йигилиб ўйимга келгандаридан, фарзанд догида куйсам-да, уларни Сендан қўрқиб, умидсиз қайтармагандим. Бугун мен Сенинг ўйингга келдим, шунинг ҳаққи ҳурмати мени ҳам умидсиз кетказмагин, шиғо топган ҳолда чиқаргин”.

Дуони тугатиб-тугатмай қози ичига бир иссиқлик кирганини сезди. Замбилда кўтариб юрган йигитларни тўхтатиб, ўрнидан турди. Колган зиёрат амалларини ўзи адо этиб, Мадинага отланди. Шайх Мұхаммад Айвазнинг ҳузурига борди. Шайх уни кўриб лол бўлиб қолди. Шунда қози айтди:

— Эй шайх, кўрдингми, Роббимнинг менга қилган марҳаматини? Бир кезлар бечора киракашни ҳимоя қилиб ўйимга келган эдинчлар. Оллоҳ учун Сизларни рози қилиб чиқардим. Роббимнинг ўйига кириб, шуни васила этдим ва мени умидсиз чиқарма, деб илтижо айладим. Duom ижобат бўлди. Энди айтчи, ўша киракаши фойда қилдими ё мен?

Манба: "Muslim.uz"



Жахонгир Юлдошев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш” кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ФУҚАРОЛИККА ОИД ИШЛАРНИ ЙУРИТИШ

«Фуқаролик» шахс ҳуқуқий мақомини белгиловчи мураккаб институт бўлиб, унинг давлат ва жамият билан ўзаро боғлиқ барча муносабатларини қамраб олади. Мазкур категория инсоннинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий муносабатда эканлигини англатади ҳамда қонунчилигига асосан шахснинг шу давлатга муддатсиз мансублигини ва унга нисбатан давлатнинг юрисдикциясини ўрнатади.

Қайд этиш лозимки ушбу институт шахс билан давлат ўртасидаги алоқаларнинг нафақат юридик жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам мансублигини кўрсатади. Шундай экан, ҳар қандай давлат ўз фуқароларига нисбатан ўзаро ҳуқуқлари билан бир қаторда, муайян мажбуриятлари асосида ҳам боғлиқдир. Бу эса, ҳозирда демократик давлатлар ўз фуқароларига ҳимоя қилиниш ҳуқуқини берувчи тенг ҳуқуқли аъзоликни таъминлаши лозимлигини англатади.

Шу билан бирга, баъзида мамлакатда яшаб турган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш муаммолари юзага келади. Бу бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан бевосита боғлиқдир. Таҳлиллар мазкур омилларнинг ўз вақтида ҳамда аниқ бартараф этилиши шахснинг давлатга нисбатан ҳурмати ортишига ва унинг ишончли ҳимояси остида эканлигини ҳис этишига имкон беришини кўрсатади. Шу нуқтаи-назардан айтиш мумкинки, ҳар бир давлат жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам шахс ҳуқуқий мақоми кафолатларини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориши талаб этилади.

Бугунги кунда фуқароликка оид ишларни юритишига доир амалдаги қонун ҳужжатларини коллизия ва ҳуқуқий бўликлардан тўла ҳоли, деб айтиш учун асосларимиз етарли эмас. Ҳусусан, айрим ҳолларда шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш (баҳолаш) муаммолари юзага келаётганлигини ҳуқуқни кўл-

лаш амалиёти натижалари ҳам тасдиқлаб турибди. Фикримизча, мазкур ҳолатга фуқароликка мансубликни баҳолаш мезонлари ва шартларининг қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Жумладан, ушбу тоифадаги ишларни юритиши тартибини белгиловчи низомда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 500-сон фармон билан тасдиқланган) «фуқароликка мансублик» тушунчаси, уни аниқлаш асослари ва шартлари, шунингдек мансублиги текшириладиган шахслар тоифасининг аниқ (тўлиқ) белгиланмаганлиги паспорт беришда амалий органлар ҳоҳиши бўйича иш юритилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, шахс билан давлат ўртасидаги ҳам миллий ҳуқуқда, ҳам ҳалқаро ҳуқуқда вужудга келувчи ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаққонийлигига жиддий путур етказади.

Фуқароликка мансубликни аниқлаш ишлари ягона мезонлар асосида олиб борилмаётганлиги сабабли, жойлардаги ички ишлар органлари томонидан собиқ Иттифоқ паспортини йўқотган ёки алмаштирган фуқароларнинг йигма иш жилдларини кўриб чиқишида муайян тўхтамга келиш ҳамда уларга фуқаролик паспортини расмийлаштириш имкони йўқолмоқда. Шу сабабли мамлакатда ҳозирги кунга қадар собиқ Иттифоқ паспорти билан яшаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Қолаверса, амалдаги қонунчиликда мавжуд фуқароликка мансубликни белгилаш мезонлари ҳам ҳуқуқни күллаш амалиётиңнинг барча талабларига түлиқ жавоб берса олмайды. Чунончи, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 4-мода 1-қисмидада: «келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машгулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда (1992 йил 28 июлга қадар) Ўзбекистонда доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар»гина мамлакат фуқаролигига мансуб, деб топилиши қайд этилган.

Бу эса, юқорида келтирилган қонун кучга кирган вақтда шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий пропискадан ўтган бўлиши шартлигини англатади. Мазкур талаб ортидан бир қатор муҳокамали масалалар юзага келиши табиий. Масалан, ўша даврда республикада доимий яшаган шахслар қонун кучга киргандан кейин қанча муддатда паспорт олиш учун мурожаат этиши лозим эди? Ёки мазкур мезон шахсни Ўзбекистон фуқароси, деб тан олишда аҳамият касб этмайдими? Ҳозирда бу саволларга жавоб беришда турли ёндашувларни кузатиш мумкин. Шуниси аниқки, қонун нормасида ушбу масаланинг аниқ ҳал этилмаганлиги амалиёт органлари томонидан муайян тұхтамга келиш ва масъулиятни ўз зиммасига олишда қийинчilikни юзага келтириши табиий.

Масалан, қонун кучга киришидан аввал Ўзбекистонга келиб (давлатга кирганинг ва яшаганлигини тасдиқловчи фактлар (далллар) мавжуд), турли сабабларга кўра доимий рўйхатдан ўтмасдан (ўтиш имкони бўлмаган) яшаб келаётган шахсларнинг фуқароликка мансублиги қандай баҳоланиши лозимлиги ҳам муаммолигича қолмоқда. Ёки бўлмаса, қонун кучга кирган (1992 йил 28 июль) вақтда Ўзбекистонда доимий яшаган бўлса-да, кейин (масалан, 1993 йилда) чет элга кетиб, у ерда яшаб қайтган шахсларнинг аввал фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиши, сўнг эса, умумий асосларда фуқаролик олиш бўйича ҳужжатларини расмийлаштиришини талаб этиш ҳолатлари ҳам ийӯқ эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг фуқароликка мансублигини баҳолаш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бу



борада ҳам амалдаги қонунчилик бартараф этилиши лозим бўлган ҳуқуқий бўшлиқларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бири қонуннинг 4-моддаси 2-бандига тегиши бўлиб, унда давлат йўлланмаси билан мамлакатдан ташқарида ҳарбий хизматни ўтаган шахсларнинг фуқароликка мансублигини белгилаш назарда тутилган ҳолда, улар оила аъзоларининг республика фуқаролигига ҳуқуқий мансублиги аниқлаштирилмаган. Шу боис, назаримизда қонунда «фуқароликка мансублик», уни аниқлаш тартиби, асослари ва шартлари, шунингдек Ўзбекистон фуқаролигига мансубликни белгиловчи мезонлар, қолаверса мансублиги текшириладиган шахслар тоифаси аниқ (тўлиқ) назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун амалиётида шахсга тегишли собиқ Иттифоқ паспортининг прописка муҳри туширилган варақлари сақланмаганлиги, айрим шаҳар, туманларда прописка фактини тасдиқловчи уй дафтарлари юритилмаганлиги, юритилган бўлса-да маълум сабабларга кўра ҳозирга қадар сақланмаганлиги, шунингдек фуқаронинг яшashi давомида бир уйдан бошқа уйга кўчиб ўтганлиги натижасида йўқолиб кетганлиги каби ҳолатларнинг кузатилиши фуқароликка мансубликни аниқ баҳолашда муайян қийинчилкларга сабаб бўлмоқда. Бундай сабаблардан бири сотиб юборилган ёки хусусий мулк сифатида бошқа мулкдорга ўтказилган уй учун янги уй дафтари юритилиши бўлиб, уйнинг илгариги эгаси пропискаси тўғрисидаги белги эски уй дафтарида қолиб кетади. Эски уй дафтарлари ийӯқ бўлиб кетиши оқибатида (давлат органларида уларни саклаш муддати 5 йил) прописка-

дан ўтганликни тасдиқловчи далиллар ҳам йўқолади ва фуқароликка мансубликни тасдиқлаш имкони бўлмайди.

Қонун кучга кирган вақтда мамлакатда доимий яшаб турган шахснинг прописканан ўтганлигини тасдиқлаш ва 1995–2000 йилларда ноқонуний (асоссиз) равишда берилган паспортларни бекор қилиш бўйича ҳозирда аниқ норматив хужжат қабул қилинмаганлиги сабабли, шахснинг пропискадан ўтганлик фактини тасдиқлаш шаҳар, туман ички ишлар органлари масъул ходимлари томонидан хulosса қилиш йўли билан таъминланмоқда. Пропискадан ўтганлик фактини ички ишлар органлари хulosаси асосида тиклаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг кўрсатмаси чиқарилган бўлса-да, унда ҳам уй дафтари ва паспортдаги прописка муҳрлари мавжуд бўлгандагина ваколатли субъектлар томонидан хulosса қилиниши мумкинлиги белгилаб кўйилган. Мазкур масалаларга аниқ ечим топиш муаммоси бугунги кун амалиётининг оғрикли нуқталаридан бирига айланган.

Фикримизча, маълум бир сабабларга кўра уй дафтарлари сақланмаган, пропискадан ўтганлигини тасдиқловчи фактларни аниқлаш имкони бўлмаган, Ўзбекистонда 1992 йил 28 июлгача яшаб келган шахсларнинг фуқароликка мансублигини аниқлаштиришда «юридик фактни (ҳақиқатда яшаганлик ва пропискадан ўтганликни) тасдиқлаш» жараёнининг суд тартибида ҳал этилиш тизимиға ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳолатда ички ишлар органлари томонидан тўпланган хужжатларнинг шаҳар (туман) фуқаролик ишлари бўйича судига тақдимнома киритиш орқали иш юритиш тизимини жорий этиш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини «олдиндан била туриб ёлғон маълумотлар ёки соҳта ҳужжатлар тақдим этиш асосида олинганлик» фактини тасдиқлаш ваколатининг судга ўтказилганини ҳам фикримизни тасдиқлайди¹. Тадқиқотлар давомида амалга оширилган сўровларда қатнашганларнинг юқоридаги ҳолатларда юридик фактни суд тартибида баҳолаш масаласига нисбатан муносабати ўрганилганда, уларнинг 64,3 % – таклифни маъқуллашини маълум қилишган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги Қонунига мувофиқ (4-модда 1-қисм) шахснинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлашда фақатгина прописка фактига асосланилаётганлиги, бу борадаги бошқа мезонларнинг инобатга олинмаслиги ҳам паспорт расмийлаштириш фаолияти самародорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда (шу боис, биз юқорида мазкур муаммони суд тартибида ҳал этиш лозим, деган хulosага келган эдик). Масалан, қонун кучга киргунга қадар (1992 йил 28 июль) шахснинг ҳарбий ҳисобга олинганлиги; унинг давлат чегараси орқали мамлакатга кирганлиги; қонуни тирикчилик манбаси (мехнат фаолияти)га эга бўлганлиги; фарзанд кўрганлиги; нилохонинг қайд этилганлиги; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг тўланганлиги каби фактларнинг мавжудлиги ҳам фуқароликка мансублик бўйича хulosса қилиш имконини бермайди. Шу боис қонунчиликда фуқароликка мансубликни аниқлаш (баҳолаш)ни кафолатловчи мукаммал позицияни белгилаш талаб этилади.

Қолаверса, амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш ҳамда уни қайта тиклаш асосларини қўллаш билан боғлиқ муҳокамали ҳолатларни



ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 1992 йил 2 июлдаги Қонуннинг 17-моддаси 2-қисм 3-бандида Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш шартлари сифатида «қонуний тирикчилик манба»ларининг мавжудлиги белгилаб қўйилган. Бунда қонунни қўллаш амалиётида «қонуний тирикчилик манбаси»га эгаликни қандай баҳолаш кераклиги билан боғлиқ баҳсли вазият юзага келган. Чунончи, мазкур ҳолатда фақатгина, давлат органлари (ташкilot, корхона ва муассасалари) ва хусусий секторда тегишли хужжатлар (иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси ва ҳ.к.) асосида фаолият олиб борувчи шахсларни тушуниш лозимми ёки республика туманларида (қишлоқ, овулларда) доимий иш жойига эга бўлмасдан даля(ховли)да ўзлари етиштирган маҳсулотлар, чорва моллари ёки қўшимча даромад келтирувчи жиноий йўл билан топилмаган бошқа қонуний манбалар билан кун кечириувчilarни ҳам тушунса бўладими, деган ҳақли савол туғилди.

Қонун нормаси эса ушбу тушунча мазмунини қай даражада шарҳлаш лозимлиги юзасидан бирор-бир кўрсатма бермаган. Шу ўринда таҳлил этилаётган атаманинг этимологиясига ҳам назар ташлаш зарурати мавжуд. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида келтирилишича, «тирикчилик» деганда – 1) «ҳаёт кечириш», «кун кўриш», «яшаш»; 2) «кундалик рўзгор ва у билан боғлиқ иш-юмуш» тушунилади². Бу эса, қонун йўли билан ҳаёт кечиришнинг барча шаклларини назарда тутади. Шундай экан, фуқароликка қабул қилишда мазкур ҳолатга ойдинлик киритиш ҳам қонунчиликка тегишли қўшимчалар киритиш йўли билан ёки ҳеч бўлмаганда масалани суд тартибида ҳал этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

«Фуқароликни қайта тиклаш»ни тъминлаш механизми қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги ҳам муаммоли масалаларни юзага келтириши табиий. Қонуннинг 18-моддасида «Илгари Ўзбекистон фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин», деган умумий мазмундаги қоида ўз аксини топган.

1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сон Фармоннинг 5-бобида эса, Қонунни ҳаётга татбик этиш механизми сифатида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қайта тиклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қайта тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича



хужжатларни расмийлаштириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилади» мазмунидаги норма белгиланган. Кўриниб турибдики, мазкур икки хужжат ҳам бугунги кун амалиётининг муҳокамали масалаларини тўлиқ ҳал этиш имконига эга эмас.

Жумладан, фуқароликни бекор қилиш тўғрисидаги материаллар давлат органлари томонидан асоссиз (ёки қонунга хилофравишда) тайёрланганлиги аниқланган (исботланган) ҳолларда шахснинг табиий хукуқларини тиклаш муаммолари қай тартибида ҳал этилиши мумкинлигини назарда тутувчи норманинг мавжуд эмаслиги ҳам буни яққол тасдиқлайди. Ўрганилаётган масалада хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, АҚШ, Канада, Франция, Молдова, Беларус, Россия давлатларида фуқароликка доир муаммоли масалалар суд тартибида ҳал этилади. Шу нуқтаи-назардан фикримизча, Ўзбекистон фуқаролигига доир ишларни юритишда юзага келувчи муаммоларни баҳолашда ҳам суд органларининг ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта келгусида ушбу соҳадаги шахс хукуқларини самарали кафолатлаш имконини бериши билан бирга, давлат органлари амалиётида мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва ТИВнинг 2017 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишини расмийлаштириш масалаларига оид хужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномани тасдиқлаш ҳақида»ги 28/21-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 31. – 785-м.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти., 2006. – Б. 110.



Акмал Мирзахонов 1977 йилда ҳуқуқшунослар оиласида туғилган. 2011 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ҳозирда жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди судьяси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИЧКИ ИШОНЧ МУҲИМ

– Ёшлик ким учундир тажрибасизлик, ғўрлик тушунчаси билан уйғун бўлса, ким учундир шижаот, кўп ишга қодирлик рамзи. “Ёш судья” ибораси сизга нимани англатади? Бугун ёш ҳамкасларингизда саналган фазилатлардан қайсилари устунроқ?

– Авваламбор шуни тъкидлаб ўтмоқчи эдим-ки, судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан суд ҳужжати қабул қилишлари – улар зиммасига бениҳоя шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилганини англатади. Судьяларнинг ўз бурчига содиклиги, ваколати доирасидан чиқмай, вазифасини ҳалол ҳамда сидқидилдан адо этиши мустақил суд ҳокимиятининг обрўсини ва фуқароларда одил судлов ҳамда адолатга бўлган ишончни оширади.

Шундай экан, судья хоҳ ёш бўлсин, хоҳ узоқ йиллик тажрибага эга бўлсин, биринчи навбатда, ўз ишига масъулият билан ёндашибиши баробарида, обрў-эътиборли, адолатпарвар инсон сифатида атрофдагиларда яхши таассурот қолдириши ҳам шарт.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 61-модасида ўттиз ёшдан кичик бўлмаган (ҳозирда ўттиз беш ёш), олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси – фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий, маъмурий ҳамда ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар

ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши билимли, суд ишини тўлақонли бошқара оладиган, янгича фикрлайдиган, адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлган маҳорат соҳибларидан иборат кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан кўриниб турибдики, бугунги сұхбатимизда ёш судья эмас, балки илк бор судьялик лавозимига тайинланган шахс, десак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки гувоҳи бўлганимиздек, шахс судьялик лавозимига тайинланиши (сайланиши) дан аввал бир қанча босқичлар, яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат амалиётига эга бўлиши, грант асосида Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълимими олган ҳамда ҳаётий тажрибага эга бўлган малакали шахс бўлиши лозим.

Энди бевосита саволдан келиб чиқадиган бўлсан, судья касбини эгалаган шахсда, инсонга берилган кўпгина хислатлар бўлмоғи лозим. Чунки тажрибаси бўлса-ю, лекин шижаоти бўлмаса, билими зўр бўлса-ю, лекин укуви бўлмаса, унинг иши бароридан келмайди, сансоларликка йўл қўяди, бундай ҳолатда эса, менимча, ҳеч қайси судья ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди. Илк бор тайинланган судья бирон-бир ишни кўришда мавхумликка дуч келса, авваламбор, бу турдаги жиноят ишлари бўйича суд амалиётини чуқур ўрганиши, шунингдек, кўп йиллик та-

жрибага эга бўлган устозларига мурожаат қилиб, йўналишни тўғри олиб, сўнг қарор қабул қилиши керак.

– Фаолиятингиз жиноят ишлари билан боғлиқ. Ишларни ўрганиш жараёнида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, инсонни жиноят содир этишга нима мажбур қиласди?

– Суд соҳасидаги фаолиятимда қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида турли хилдаги жиноят содир этганларни, ҳатто, 10-15 марта бир хил турдаги жиноятни қайта-қайта содир қилгани учун судланганларни кўрганман. Бизга маълумки, жиноятлар икки турда, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар ўз номи билан эҳтиётсизлик ҳосиласи. Қасддан жиноят қилиш эса бошқа масала.

Амалиётда айрим жиноятчилар содир этган жиноятлар сизни “ёқа ушлаш”га мажбур қиласди. Келиб чиқиш жиҳатидан ижтимоий мавқеи ҳам, яшаш шароити ҳам, жамиятда тутган ўрни ҳам ҳавас қилишга арзигулик оиласдан бўлса-да, бироқ қасддан жиноят содир қилгандар ҳам кўп. Ўзига тўқ оила фарзандининг ўзидан ижтимоий мавқеи ўн чандон паст бўлган оила хонадонидан ўғрилик қилиши ёки бўлмаса, зиёли оила фарзандининг ярим кечаси кўча-кўйда саёқ юриб, маст ҳолатда босқинчилик ёки безорилик жиноятини содир этишини бир қарашда тушуниш мушкул. Шундай оиласалар борки, амал-такал қилиб кун кўради, лекин инсонийлик қиёфасини асло йўқотмайди. Ҳаётда шундай ҳолатларни кўриб, оддий инсон каби мени ҳам битта савол қийнайди. Инсон нима учун жиноят қиласди?

Маълумки, табиатдаги барча жонзорлар орасида инсон энг комил ва улуғи хисобланади. Ҳар бир инсон бундай юксак номга муносиб бўлиши зарурлиги муқаддас китобларимизда ҳам баён этилган. Юксак ниятларга этишни мақсад қилган ва бу йўлда ҳеч иккilanмай интилган киши охир-оқибат ўзи истагани ва кутганидан ҳам зиёдига эришади. Инсон дунёга келганида, авваламбор оиласда ота-она, сўнг атрофдагилар болага инсон нима учун бу дунёга келгани, мақсади, вазифасини тўғри танитиб, келгусида муносиб яшashi, оддий қилиб айтганда, масъуллик доирасини белгилаб олишида кўмакдош бўлиши керак. Зоро, инсоннинг ҳар қандай ҳолатда ҳам имон-эътиқодининг мустаҳкам ва барқарорлигини белгилайдиган мезон – бу



унинг ўз виждони олдида уялишидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, жиноятни имон-эътиқоди ва иродаси суст, ҳаётнинг оғир-енгилига бардош бера олмайдиган шахслар содир этади.

– Сўнгги пайтларда юқори судлар томонидан қуийи судларда кўриб чиқилган ишларнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳолатлари кўп учраёт-ганлигини қандай изоҳлайсиз? Сир бўлмаса, сиз кўрган нечта иш юқори суддан қайтган ёки ўзгартирилган?

– Судья бўлишдан аввал қарийб 24 йил бевосита ва билвосита суд соҳасида турли вазифа ва лавозимларда фаолият кўрсатиб келдим. Суд мажлисларида қатнашиб, вақти келганда ҳукм лойиҳаларини тузишда, ёнки суд соҳасидаги бошқа жараёнларда иштирок этганман. Бироқ судья лавозимида иш бошлаганимдан сўнг шуни ҳис қилдимки, бир иш бўйича ҳукмни тузиб, унга имзо қўйишгача бўлган даврдаги вақт одамни анча эсанкиратиб қўяр экан. Ана шундай ҳолатларда юқорида қайд этганимдек судьядан шижаот, маҳорат ва ўз йўналишидаги билимларни тўғри қўллаш масъулияти талаб қилинади.

Афсуски, сўнгги пайтларда кўплаб судьялар томонидан қабул қилинган суд қарорларини турли хил сабабларга кўра бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳолатлари учраб турибди. Шу билан бирга, ҳамма ҳолатларда ҳам суд қарорларининг бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши судьяга боғлиқ эмас. Мисол учун менинг судьялик фаолиятимда қабул қилинган 760 нафар суд қароридан 41 нафар шахсга тегишли ҳукм юқори турувчи судлар томонидан ўзгартирилган. Бу катта рақам албатта, бироқ аксарият суд қарорларининг ўзгаришига сабаб – иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича маҳкумлар томонидан иш бўйича



етказилган моддий заарларни суд ҳукми эълон қилингандан сўнг жабрланувчиларга қоплаб беришгани, ойлик иш ҳақи миқдорининг ўзгаргани ёки қонунларга киритилган ўзгартиришлар сабаб бўлган.

Лекин, амалиётда суд қарорлари моддий ҳуқук нормаларининг нотўғри кўлланилгани, процессуал тартибга риоя қилинмагани, жазо адолатсиз тайинлангани учун ҳам ўзгартирилиши учраб турибди. Бунга судьяларнинг ишни ташкил этиш ва кўришда бепарвонликка йўл қўйишлари, суд ҳукмини тузишда эътиборсизлик қилишлари сабаб бўлмоқда. Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раҳбарияти томонидан ҳар ойда бир марта жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар

судьялари ўртасида семинар ўтказилиб, семинарда айнан бекор бўлаётган ва ўзгартирилаётган суд қарорлари муҳокама қилинади. Чиқарган суд қарорлари бекор бўлаётган ва ўзгартирилаётган судьяларга тажрибали судьялардан мураббий тайинлаш амалиёти йўлга қўйилган. Мазкур амалиёт бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб ҳисоблайман.

– Мамлакатимиз аҳолиси ҳуқуқий маданият жиҳатидан ҳали юқори даражага эриша олгани йўқ. Бу энг оддий ҳолатларда ҳам қонун бузилишига йўл қўйилаётганида яққол намоён бўлади. Сизнингча, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан кимлар, қай тариқа шуғулланиши керак?

– Менимча, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча бир ёқадан бош чиқариши керак, яъни ҳар ким ўз йўналишида тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Барчамизга маълумки, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни барча масъул идора вакиллари билан ҳамкорликда Бектемир туманида жойлашган маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда тарғибот ишларини олиб борамиз. Ҳар ким ўз иш фаолияти ва соҳавий йўналиши бўйича маълумот бериб, тарғибот қилади. Бу эса ўз самарасини бериб келмоқда. Чунки мен судьялик иш фаолиятимда 2017 йилда 372 та шахсга нисбатан 256 та жиноят иши, 2018 йилда 285 та шахсга нисбатан 225 та жиноят иши, 2019 йил 6 ойида 101 та шахсга нисбатан 73 та жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқдим. Кўриниб турибдики, жиноятлар содир этиш сони йилдан йилга кескин камайиб бормоқда.

– Судья фаолиятида китобхонлик қай ўринларда асқотади? Шу кунларда қандай асарлар ўқидингиз ва улар сизни нимаси билан ўзига жалб этди?

– Китобхонлик инсоннинг ҳар қадамида асқотади. Айниқса, судья қонунлар ҳамда ҳуқуқий адабиётлардан ташқари, бадиий, маънавий-маърифий, ҳаётий асарларни кўп ўқиши керак, деб ҳисоблайман. Бундай асарлар судьяни мулоҳазакорликка, инсонни тушунишга ўргатади. Қолаверса, судьялар қанчалик яхши китобхон бўлсалар, юқорида эслаб ўтганимиз суд қарорларини савод билан равон ёзадилар ва уларнинг бекор қилиниши, ўзгартирилиши ниҳоятда камаяди.

Сўнгги пайтларда марҳум ёзувчи Тохир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарини ўқидим. Бу китоб ўз номи билан инсон-

*Кўлида портфели бор
юрист юзлаб қуролланган
босқинчилардан кўра
кучлироқдир.*

Марио ПЛОЗО

ни ҳаётда ўз мақомига муносиб тарзда яшашга ундаиди. Устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг “Касби корим адолат бўлди” китобини ҳам қайта ўқидим. Бу китобда биз судьялар учун ибрат бўларли ўринлар кўп. Шунингдек, Обиддин Маҳмудовнинг “Фарзанднома” асарини бутун оиласиз биргаликда ўқидик. Асар фарзанд тарбияси ва унинг камолоти учун бефарқ бўлмаган ота-оналарга, устоз-мураббийларга, қолаверса, инсониятнинг маънавий юксалиши йўлида жон куйдираётган фидойи, заҳматкаш зиёлиларга мўлжалланган.

“Китобдан яхши дўст йўқ”, дегани бу шунчаки баландпарвоз гап эмас. Китобхонлик лаззатидан баҳраманд бўлгандар буни яхши тушунади.

– Ўзингиз кўрган жиноий иш воқеаларидан таъсирланган, воқеа ва унинг иштирокчилари қилмиши сизни мушоҳадага ундаган пайтлар бўлганми?

– Судья – тирик инсон. Унда ҳам қалб бор. Ҳар бир жиноят ишидан мутаассир бўлади. Шахсан мен бир жиноят ишини кўриш жараёнида ундаги воқеа тафсилотлари билан яшайман. Ҳар бир ҳолатни кўз олдимдан ўтказаман. Баъзан кечалари ухломай воқеалар ривожини таҳлил қилиб чиқаман. Устозларим менга доим, “Сен ҳукм чиқаришдан олдин ўзингни аввал судланувчи, сўнг жабрланувчининг ўрнига қўй, ҳар иккисининг ҳолатини ўз қалбингдан ўтказганингдан кейингина қарор чиқар, чунки энг адолатли ҳукм бу виждон ҳукмидир”, деб ўргатишган. Мен учун энг таъсирли ҳолат – бу суд залидаги панжара ортида турган судланувчи билан зал тўрида ўтирган судьянинг ўртасидаги илоҳий нигоҳдир. Чунки инсоннинг кўзи ҳеч қачон алдамайди. Судьяда фаҳму фаросат кучли бўлиши керак. Қонун судьяга ўз ички ишончига суюнган ҳолда ҳукм чиқаришга рухсат берган. Ички ишончга суюниш учун эса судьяда ҳаётий тажриба, билим кучли бўлиши талаб қилинади.

Мен учун инсон қадри энг баланд тушунча. Шунинг учун ёшидан қатъи назар, инсонга ўз мақомига муносиб муносабатда бўлишларини истайман. Одам савдоси деган манфур жиноят бор. Шундай жиноий ишларни кўраётганда юрагим эзилиб кетади.

Андижонлик Дилором исмли аёл танишлари олдида эридан ажрашгани, тўрт бола билан яшашга қийналётгани ҳақида гапириб қолади. Фурсатдан фойдаланган танишлари унга 7 ойлик чақалогини яхшигина пулга сотишни тавсия қиласди. Пулнинг



дарагини эшитган аёл беихтиёр бу таклифга рози бўлади. Имконни қўлдан бермасликни истаган таниши жиноий шериклари билан келишиб, болага харидор топади. Улар билан 2500 АҚШ долларига савдолашиб, Дилоромни 1000 АҚШ долларига кўндиради ва бу пулдан ҳам 200 АҚШ долларини ўзларига хизмат ҳақи сифатида беришга рози қиласди.

Дилором Тошкентга келиб харидор аёлни кўргач, оналик меҳри уйғонадими, боласини сотишга иккиланиб қолади. Аммо жиноий шериклар уни боласини сотишга ундаиди. Тезкор тадбир давомида бола сотилаётган пайтда воқеа иштирокчилари кўлга олинди. Бу жиноят ишини мен кўриб чиқдим. Тўғриси, онага ҳам, болага ҳам ачиндим. Жиноий шерикларга қонун асосида жазо тайинладим, онани эса шартли жазога ҳукм қилдим. Бу воқеа анча вақтгacha ҳаёлимни банд қилиб юрди.

Биз яхши-ёмон воқеаларнинг баридан сабоқ олишимиз керак. Лекин мен, бизга фақат яхши воқеалардан сабоқ олиш насиб этишини истардим.

– Бу эзгу ният бизнинг ҳам қалбимизда устувор. Самимий сұхбатингиз учун муштарийларимиз номидан миннатдорлик билдираман. Келгусидаги фаолиятингизда омад ёр бўлсин!

Сұхбатдош: **Сирожиддин ИБРОҲИМОВ,**
“Одиллик мезони” мухбери.



Комилжон НАСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари Академия-
сининг катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари
номзоди, доцент

*Коррупция билан ҳеч қачон мақсади-
мизга эриша олмаймиз.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА АЖДОДЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИГ АҲАМИЯТИ

*Коррупция бугунги куннинг дунё миқёсидаги глобал муаммолари-
дан биридир. Бу иллат давлат ва жамият тараққиётига жиддий
путур етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поимол бўлишига
олиб келади. Шу сабабли унга қарши кураш доимо долзарб вазифа
саналиб келган. Коррупция ва уюшган жиноятчилик ўзаро бир-бири
билан чамбарчас бөглиқ. Уларга қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқ-
бузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш юрти-
мизда устувор вазифа деб қабул қилинган. Бу жараёнда фуқаролар-
нинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда қонунга нисбатан
ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайти-
риш ва жиноятларнинг барвақт олиш жуда муҳим.*

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасида 2017 йилнинг 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни қабул қилинди ва бу иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш учун замин яратилди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашувига доир тушунчаларга таъриф берилгани алоҳида эътиборга молик. Жумладан, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номдий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишида тақдим этиши, – деган таъриф мазкур қабиҳ жиноятнинг моҳиятини тўлиқ очиб беради.

Мұхтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз” номли асарида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслиқ, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйи-

ча қатъий чоралар кўришимиз зарур”, деб бежиз таъкидламадилар. Чунки, коррупция Ватанимиз равнахи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга тўскىнлик қиласди.

Коррупциянинг асл моҳиятига назар ташласак, порага сотилиш, таназзулга юз тутиш маъноларини англатувчи бу сўз – мансабдор шахснинг ўз нафсига берилиб, бойлик орттириш мақсадида мансаб ваколатларини сунистъемол қилиши натижасида содир бўлади.

Демак, коррупция жинояти – “нафс”, “масъулиятсизлик”, “тамагирлик”, “порахурлик” каби иллатлар билан бевосита бөглиқ. Миллий маънавиятимизда бу каби ахлоққа зид иллатлар доимо қораланиб келинган ва аждодларимиз ўз асарларида улардан сакланиш зарурлигини алоҳида қайд этганлар.

Шарқ фалсафасида, шу жумладан, миллий маънавий меросимизда “нафс” тушунчаси инсон хулқига доир барча нуқсон ва иллатларни умумлаштирувчи тушунча саналади. Нафс – биринчи навбатда инсоннинг ўзига нисбатан номуносиб муносабатида намоён бўлади. Инсоннинг нафси у билан бирга тугилади. Шу боис ундан батамом



кутилишнинг иложи йўқ. Энг асосий ва за-
рурий чора бу йўналишда нафсни жилов-
лашдир. Агар инсон ўз нафсининг жиловини
кўйиб юборса, охир-оқибат у хору зор бўла-
ди. Нафсни «жиловлаш» – меъёрни билиш-
дир. Меъёрни билиш ахлоқий фазилат бў-
либ, инсоннинг яхши тарбия кўрганлигини
биддиради ва уни кўкларга кўтаради.

Жамият, иқтисодиёт ва бошқа жабҳалар
ривожланиб борган сари инсон нафсининг
чегаралари ҳам кенгая бошлайди. Маънави-
й баркамол инсон ҳеч қачон ўз нафсининг
кулига айланиб қолмайди. У ҳалол меҳнат
билан умр ўтказишни афзал билади ва бой-
лик тўплашни ҳаётининг мазмуни, деб ту-
шунмайди.

Буюк мутафаккир Аҳмад Яссавий нафс
тушунчасини тубанникка тортадиган ил-
лат деб изоҳлади. Бу бежиз эмас. Аллома
маънавий баркамолликка етишиш учун ин-
соннинг энг биринчи вазифаси – ўз нафси-
ни тийишидир, деб ҳисоблайди ва қуидаги
фикрларни баён этади:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур¹.

Халқимизда «киши кунига бир маҳал
ўз нафсини тергаб кўйиши керак, нафсни
маглуб қилмагунча инсон тўғри йўлни то-
полнайди», – деган ҳикмат бор.

Нафс – одамни риёкорликка ундовчи,
дунёпарастликка хирсини оширувчи, инсон-
даги шаҳват ва fazab қувватларини жамлов-
чи салбий кучдир.

Айнан нафс аксарият ҳолларда инсон-
ни тамагирлик ва порахўрлик сари чорлаб,
коррупцияга қўл уришига ва жиноятчига ай-
ланишига сабабчи бўлади.

“Тамагирлик” – шахснинг бирордан би-
рор нарса кутиш илинжида турли ноқонуний
хатти-ҳаракат содир этишини англатади.

Тамагирлик – порахўрликнинг ибтидо-
си дангасалик, очқўзлик, манманлик, хирс
ҳамда манфаатпарастликнинг натижасидир.

Тамагирликнинг заарлари кўп. Тама-
гилик инсоннинг саломатлигига, ҳузур-ҳа-


ловатига, обрўси ва ҳурматига путур етка-
зид, бошига чексиз мусибатларни солади.
Бу ҳақида аждодларимизнинг кўплаб ҳик-
матли сўзлари бор: “Кўпгина ақл эгалари-
нинг қулаши тамаларнинг чақмоғидандир”,
“Билингким, тами фақирлиқдир, тами қил-
маслик эса бойлик”, “Тамагирлик азизни
хор қиласди, тамасизлик хорни азиз қиласди”.

Тамагирлик иллати порахўрлик жинояти
сари қўйилган биринчи қадамдир. Порахўр-
лик жамият тараққиётига салбий таъсир
кўрсатиб, қонун устуворлиги ва адолат та-
мойилларини инкор этади.

Инсон ахлоқи маънавий меросимизнинг
асоси сифатида доимо ҳалқимизнинг эъти-
боридаги масала бўлиб келган. Қадим-қа-
димдан “Туркистонда ахлоққа катта эъти-
бор қаратилган. Юксак инсоний фазилат,
инсонни миллатидан қатъий назар, барча
мавжудотларнинг сарвари сифатида қадр-
лаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат,
инсоф, диёнат ва имон каби хусусиятлар
тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушу-
нилган”². Шунинг учун ҳам буюк аждодла-

**Яхши одам бўлиш
учун адолатсизлик
қилмасликнинг ўзи
кифоя эмас, уни бу-
тунлай истамаслик
ҳам керак.**

ДЕМОКРИТ



римиз ўз асарларида гўзал хулқни улуғлаб, ахлоқизликтини, тамагирлик ва пораҳурликни қоралаганлар. Жумладан, буюк аждодларимиздан Абулқосим аз-Замахшарий: “Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир”³, – деб ўз даврида таъкидлаган бўлса, Абу Райхон Беруний шундай ёзган: “Бузук ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди”⁴.

Агар масалага жиддий эътибор берсак, барча ёмонлик ва ёвузиликларнинг сабаби ахлоқизлиkdir. Гўзал хулқ эгалари ўз нафсига маглуб бўлмайди, масъулиятсизлик қилмайди, бироннинг қўлига умидвор бўлиб қарамайди ва пора олмайди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида миллий маънавий меросимиз дурдонлари бўлмиш – панду насиҳатлардан, ҳикояту ривоятлардан, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва ижоди намуналаридан унумли фойдаланиш ҳар қандай жиноятчиликни, шу жумладан, коррупциянинг олдини олишга ёрдам бериши аниқ. Чунки қадимдан халқимиз орасида жиноятга қўл уриш – инсон учун, унинг оиласи ва маҳалласи учун жуда катта иснод саналган.

Инсон хатти-ҳаракатларини тўғри йўлга солиша ва нафсини жиловлашда масъулият ҳиссининг ўрни бекиёс.

“Масъулият” – инсоннинг ўз вижданни ва бошқа инсонлар олдида жавоб бериши, ҳисоб бериши, яъни содир этган бирор иши, хатти-ҳаракатларининг оқибати ва натижаси учун жавобгарлигидир. Масъулият – инсоннинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб, уларни вижданан амалга ошири-

шида намоён бўлади. Одатда масъулиятни ҳис қилган инсонлар жамият тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшадилар.

Юқоридаги фикрлар асосида хулоса қилсан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун:

- миллий маънавий меросимизнинг тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- аждодларимизнинг одоб-ахлок ва тарбияга оид панду насиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни ва риоя этиш;
- мактаблардан бошлиб, барча турдаги таълим муассасаларида жиноятчиликнинг энг қабиқ тури бўлмиши коррупция ҳақида ўқувчи ва талабаларга билимлар бериши, уларни бу иллатдан сақланишга одатлантириб бориши;
- коррупцияни ҳалққа, жамиятга ва давлатга хиёнат сифатида фуқароларга тушунтириш;
- оммавий аҳборот воситалари ёрдамида коррупция жиноятига қўл урган кимсаларнинг аянчли тақдиридан халқимизни хабардор қилиш лозим.

Аждодларимиздан қолган миллий маънавий мерос халқимизнинг нафақат ўтмиши, шунингдек, истиқболи учун ҳам қудратли куч, фидоийлик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Модомики, аждодларимизнинг маънавий мероси бизларни инсонпарварликка чорлар, ёшларимиз онгиди иймон, эътиқод, ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат каби туйгуларни шакллантириб, уларни ўз халқи ва Ватани манфаатларини тушуниб етишга ҳамда юрт мустақиллигини қадрлашга ундар экан, улардан тўлақонли фойдаланиш зарур. Тамагирлик ва пораҳурлик замирида коррупция ва уюшган жиноятчилик ётишини доимо ёдда саклаш, улардан ўзимизни ва яқинларимизни асраш ҳаммамиз учун жуда муҳим. Буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидан руҳланиб, уларнинг васиятига содик ва муносиб бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. –Т.: “Faafur Fulom nomidaiga Nashriёт-матбаба бирлашмаси”, 1992, 57-бет.
2. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 300-бет.
3. Шарқ донишмандлари ҳикматлари / Тузувчи Аҳмад Турсун. –Т.: «Шарқ», 2006, 106-бет.
4. Шарқ донишмандлари ҳикматлари / Тузувчи Аҳмад Турсун. –Т.: «Шарқ», 2006, 126-бет.





МУРУВВАТ ОРТИДАГИ ТУЗОҚ

Фирибгарлик жинояти жой ҳам, жабрланувчи ҳам танламас экан.

Сабаби, товламачилик йўлини тутгандарнинг нафси йўлдами-чўлдами ҳакалак отиб кетаверар, унинг йўригида ҳаром бўлса-да осонгина даромадга эга бўлишга интилаверишар экан. Энг ёмони, улар ўзларининг бундай чиркин мақсадларига эришиш учун ҳатто оғир ётган беморларни зор қақшатишдан ҳам қайтишишмас экан...

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шахар суди очиқ суд мажлисида ана шундай кимсаларнинг қабих жинояtlаридан бирига хукм ўқилди. Суд залида ўтирганлардан кимdir фарзанди оғир хасталикка чалинган онанинг фирибгарлар тузогига тушганига ачинган бўлса, яна кимdir бебурдларни қарғади, бирор ҳайратдан ёқа ушлаш билан кифояланди. Фирибгарлар ҳам аслида бегона эмас: ака-укалар Баҳодир ва Баҳром ва уларнинг танишлари Дилшод...

...Баҳром телеграм ижтимоий тармоғидаги "Эҳсон" каналига уланди-ю, фикри ўзгарди-қолди. Бу каналда асосан ёрдамга муҳтожлар (ва ўзини муҳтож кўрсатувчилар ҳам) ҳожатбарорлардан маълум миқдорда моддий ёрдам сўрашар ва мабодо кимdir бунга рози бўлса, пул кўчиришлари учун ўз пластик карталарининг рақамини эълон қилишар эди.

Мана шундай бир муҳтожнинг мурожаати: "Қизим оғир дардга чалинган, хорижий клиникада жарроҳлик амалиёти ўтказишимизга ёрдам беринг! Акс ҳолда, 20 ёшли дилбандимдан айрилиб қоламан". Илтимосноманинг остига пластик карта ва уяли алоқа рақамлари қолдирилган. Роксана исмли аёлнинг ушбу илтимоси Баҳромни сергак тортириди, хаёлидан бир шумлик ўтди. У бу фикрини амалга ошириш учун дарҳол аёлга хабар юборди:

- Опажон, дилбандингиз операцияси учун қанча маблағ етишмаяпти, қўлимдан келса ҳаммасини тўлашга ҳаракат қиласан...

Табиийки, бундай меҳрибонликдан Роксананинг қувончи ичига сифмади ва дарҳол жавоб берди:

- 30 миллион!

- Ҳа, яхши, қолгани тайёрми ахир, айтган суммангизни тўласам, уни асраб қолишга улгурасизми?

- Албатта, 20 миллион сўм йиғилди, сиз каби яхши одамлар кўп экан, укажон...

- Хўп, опажон, мен сизга қисқа муддатда хабар бераман.

Баҳром ҳожатманд жувон берган маълумотлардан нусха олиб, аввал акаси Баҳодирнинг телеграмдаги рақамига юборди. Бу вақтда Баҳодир Дилшод билан бирга Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхоналардан бирида сухбатлашиб ўтирган эди. Укасидан келган муждани ўқиб, унинг мақсадини дарҳол тушунди.

- Сизга маълумотларни юбордим, 20 миллионлик даромадни бой берманг, ўзгалар илиб кетмасин яна, - деди укаси унга қўнғироқ қиласкан.

Дилшоднинг маслаҳатига биноан рус тилини яхши билгани боис Роксана билан Баҳодир гаплашадиган бўлди. Фақат шахсий рақамидан эмас, шаҳарлараро сўзлашув тармоғи орқали.

- Биз сизга ёрдам бермоқчимиз, операцияга керак бўлган ҳамма пулларни ўтказиб юбораман ҳозир, фақат бунинг учун менга пластик картангизга уланган "Clik" рақамини ҳам айтишингиз керак, бўлмаса бундай катта сумма ўтмайди.

Ҳожати равон бўлаётганидан умидвор Роксана "ҳожатбарор"нинг тузогига тушаётганини ўйламади ҳам.



– Икки кунда ҳисобингизга пул ўтказаман, қизингиз тузалиб кетсин, – дейа хайрлашди Баҳодир “Clik” рақамини олгач...

Роксана бечора эса узундан-узоқ раҳмат айтганча қолди.

Икковлон тонгни бетоқатларча оттиргач, Шаҳрисабз шаҳридаги “Кеш” дехқон бозорига қўйилган банкомат ёнига боришиди. Шу орада кўринишидан соддалиги билиниб турган бир отахон келиб, пластигидаги пулни банкомат хизмати орқали нақдлаштириб олди. Сўнг кетишга чоғланган ҳам эдики, Баҳодир у кишига яқинлашиб, саволга тутди:

– Отахон, сиздан бир илтимосим бор эди?

– Кўлимдан келса бажонидил, болам, – дейа кўринишидан бошқа вилоятнинг кишиси эканлиги билиниб турган йигитга разм солди отахон.

– Биз мол олгани водийдан келувдик. Аммо пулимиз камлик қиляпти. Керакли пулни у ёқдан машина орқали келишини кутсак, вақт йўқотамиз. Агар бизга пластик картангизни бериб турсангиз, танишларимиз ҳозироқ пул ташлайди, биз уни нақдлаштириб олиб, сизга қайтариб берамиз.

– Майли, бўтам, мусофири экансизлар, мана олинг...

Устомонлар “Clik” хизмати орқали бирпасда Роксананинг пластик картасидаги маблагни қўлларида картага ўтказиб олишди. Сўнг дўкондорлардан бирига учрашиб, 20 миллион 300 мингни 5 фоиз эвазига нақдлаштириб беришни сўрашганди, у киши ҳам кўна қолди. Ахир, йўқ жойдан 1 миллион сўм даромад қоринни оғритадими? Дўкондор ечилган суммадан ўз ҳақини чегириб қолиб, нақд 19 миллионни Баҳодир ва Дилшоднинг қўлига тутқазди. Бўшаган пластик карта эса отахонга қайтарилди. Ярим соатда яхшигина сармояли бўлган икки фирибгар дўппини осмонга отишганча тезда уйларига – Андиконга жўнаворишиди. Табиийки, осонгина, “ўз оёғи” билан келган бу “даромад” уч ҳамтовор ўртасида тенг тақсимланди...

Энди гапни Роксанадан эшитинг. У нотаниш “ҳожатбарор”га шахсий “Clik” рақамини айтгач,

кечаси билан кўнгли фаш тортиди. Ҳисобидаги пулни укасининг пластик карта рақамига кўчириб бериши сўраш учун Ангрен шаҳридаги тегишли банкка йўл олди. Аммо у молия муассасаси остонасига етар-етмасдан, телефон рақамига кетма-кет СМСлар кела бошлади. Хабарлар унинг ҳисобидаги пуллари ечиб олинганидан дарак берарди...

Шундоқ ҳам жигаргўшасининг дардида куйиб адo бўлаёзган онаизор хушидан айрилишига бир баҳя қолди. Яхшиямки, банк ходимлари ўз вақтида унга биринчи ёрдам кўрсатишиди. Сўнг Роксананинг мурожаати билан унинг пластик карточкасидан ечилган пулларнинг рўйхатини тақдим этишиди. Унда Роксананинг картасидан ечилган пуллар қаердан, қай усулда ўзлаштирилгани ҳақидаги барча маълумотлар бор эди. Воқеа юзасидан жабрланувчи Роксананинг қонуний вакили – қайнукаси дарҳол туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этди. Тезкор суриштирув ишлари натижасида содир этилган жиноят фош бўлди. Жиноят изларини беркитиш ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларини чалғитиш мақсадида Баҳодирнинг ўз уяли алоқа телефони туриб, шаҳар таксофонидан Роксанага қўнғироқ қилгани, ўз пластик картаси бўлса-да, нотаниш инсоннинг картасига пулларни ўтказиб олиб, сўнг уни нақдлаштиргани, ҳамма-ҳаммаси бирин-кетин исботини топа бошлади.

Суд судланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши бўйича тўпланган хужжатларни атрофлича ўрганиб чиқди. Уларни таҳлил қилиб, судланувчи Дилшод Рустамов ва Баҳром Зиёдуллаевнинг (Баҳодир Зиёдуллаев хорижга кетиб қолгани учун унга нисбатан жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилди) айби уларнинг тўлиқ иқрорликлари, пластик картадаги пул ўтказиш операциялари, уяли алоқа телефонларидағи кириш-чиқиш қўнғироқлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқа далиллар билан ўз тасдигини тўлиқ топган, деб ҳисбланди. Дилшод Рустамов ва Баҳром Зиёдуллаев содир этган жиноят Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-кисми “б” банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри малакаланган, деб топилди.

Судланувчи Дилшод Рустамовга жазо тури ва меъерини белгилашда содир этилган жиноятнинг



хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, унинг ўз айбига тўлиқ икрор бўлиб қилмишидан пушаймонлиги, оиласилиги, қарамогида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, шунингдек, унинг муқаддам судланган (бир неча марта) бўлиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан яна жиноятга қўл урганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили оғиррок қонуний чора кўришни сўраганини инобатга олиб, унга ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди...

Баҳром Зиёдуллаевга эса жазотури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг бир гурух бўлиб ёрдамга муҳтоҷ шахснинг мулкини ўғирлагани, жабрланувчининг қонуний вакили қонуний чора кўришни сўрагани, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, ўз айбига тўлиқ икрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани инобатга олиб, жазо белгиланди.

Суд Дилшод Рустамовни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди ва жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўталиши белгиланди. Баҳром Зиёдуллаев эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди. Заарни қоплаш мақсадида Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 20 300 000 сўм пул жабрланувчининг қонуний вакилига қайтариб берилиши ҳам суд ҳукмида қайд этилди.

Ушбу суд иши тафсилотларини эътиборингизга ҳавола этишдан асосий мақсадимиз факат жиноятчиларнинг асл башарасини очиш эмас, айни вақтларда кўпчилик юртдошларимизнинг шу каби фиригарликларнинг қурбони бўлиб қолётгандикларидан яна бир бор огоҳ этиш ҳамдир.

(Мақолада келтирилган исм-фамилиялар ўзгартирилган).

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист.



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

ЁРУФ КУНЛАР ИШОНЧИ

Мамлакатимизда жамиятни янада очиқлаш, давлатни кучли этишга хизмат қиладиган стратегик ислоҳотлар даври кечмоқда. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни танқидий таҳлил қилиб, кўйилган камчилик ва мавжуд муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапиряпмиз, бу эса бизга куч бағишиламоқда ва истиқболга йўналтирилган ривожланишнинг энг самарали йўналишларини ишлаб чиқишида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга ислоҳотларнинг асосий шарти этиб фуқароларнинг ҳокимиёт институтларига ишончи, давлатнинг бутун бир жамият, ҳар бир инсон билан алоҳида мулоқотини йўлга кўйиш қобилиятига асосланиши лозимлиги белгиланди. Фақатгина давлат органлари фаолиятидаги шаффоғлиқни таъминлаш орқали унинг барча бўғинларида самарали фаолиятга эришиш мумкин. Шу мақсадда аҳолини давлат хизматларидан фойдаланишлари учун электрон портал ва маълумотлар базалари ишга туширилди. Жумладан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензиялар олишини соддлаштириш учун – www.license.gov.uz, “Ягона дарча” принципи бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун эса www.birdarcha.uz веб-сайтлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 12 декабрдаги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида давлат хизматлари кўрсатиш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифаси ортиқча маъмурий тартиб таомилларни бартараф қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомилаштиришдан иборат.

Бундан ташқари, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги Кодекс ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у юридик ва жисмоний шахсларни қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кўриб чиқишида суд амалиётини амалга ошириш тартибини ягоналаштириди.

Маъмурий судларни ташкил этиш зарурати бир неча омиллар билан белгиланади. Жиноят қонунчилиги тобора либераллаштирилиб, айрим қонунбузарликлар учун белгиланадиган жазо чоралари босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши, судларда кўрилаётган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг кўплиги, фуқароларнинг давлат бошқарувига оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш зарурати, давлат бошқаруви органлари, мансабдор шахслар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштириш талаб этилаётгани шулар жумласидандир. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш давлатимизнинг энг олий масалаларидан бири бўлиб қолишини истаб қоламан!

Мехнаткаш халқимизни энг азиз ва энг улуғ байрамимиз – мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан самимий кутлайман!



Бобур Мирзо

ИСМОИЛОВ,

Базовый докторант
Академии Генеральной
прокуратуры Республики
Узбекистан

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА

(Продолжение, начало в предыдущем номере)

4. Проблемы подбора и расстановки судей.

Порядок проведения всех экзаменов и собеседований при отборе кандидатов в судьи на заседаниях Экзаменационной комиссии Высшего судейского совета при включении в резерв, а также в заседании Высшего судейского совета Республики Узбекистан при участии в конкурсе на вакантную судейскую должность установлен в Законе «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан» принятом 06.04.2017 года, Регламенте ВСС Республики Узбекистан утвержденного Постановлением ВСС Республики Узбекистан от 17.05.2018 года.

Деятельность Экзаменационной комиссии Высшего судейского совета Республики Узбекистан для включения кандидата в резерв на должность судьи урегулирован Положением об экзаменационной комиссии Высшего судейского совета Республики Узбекистан, утвержденного постановлением Высшего судейского совета от 22.05.2017 года.

Согласно статье 24 Закона «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан» информация о вакантных судейских должностях размещается на официальном веб-сайте Совета. Также на веб-сайте Совета публикуются результаты экзаменов для включения в резерв, список кандидатов, включенных в резерв.

Проблематичными являются положения Закона «О судах» (ст. 78) о том, что структура и штатная численность судов утверждаются Президентом Республики Узбекистан, а штатное расписание судов утверждается председателем Верховного суда и Департаментом по обеспечению деятельности судов при Верховном суде. Структуру судов следует закрепить непосредственно в законе, а другие вопросы организации судов (в том числе определение их штатной численности) отнести к компетенции органа судейского сообщества или органа обеспечения судебной власти, который подчиняется органу судейского сообщества.

Соответственно полагаем необходимым пересмотреть порядок отбора и назначения судей, обеспечив его объективность и прозрачность, в частности, ввести в законодательство нормы, предусматривающие ясные критерии отбора и назначения судей, включая их назначение на новый срок.

Профилактика коррупции предполагает применение разнообразных мер, в том числе и правовых. К их числу можно отнести предъявление специальных требований к лицам, претендующим на судейские должности. На наш взгляд, необходимо законодательно урегулировать требования к личностным качествам кандидата на должность судьи. В настоящее время ни один закон, действующий в судебной сфере, не содержит таких требований.



На практике складывается противоречивая ситуация, когда судьей может стать любой субъект, отвечающий законодательно закрепленным требованиям, и только после назначения на должность судьи к нему могут быть предъявлены требования по соблюдению Кодекса судебской этики.

Целесообразно в законодательном порядке закрепить требования к проведению подбора кандидатов на должность судьи, а также установить обстоятельства, подлежащие проверке. В этой связи следует обратить внимание на международные стандарты относительно оценки судей. Например, согласно рекомендациям Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии ОБСЕ, критерии профессиональной оценки должны быть четко сформулированы, прозрачны и унифицированы. Основные критерии должны быть указаны в законе. Точные критерии, используемые в регулярных оценках, должны быть изложены в подзаконных актах вместе с графиками и механизмами проведения подобных проверок.

5. Проблемы привлечения судей к дисциплинарной и уголовной ответственности.

Эффективной мерой противодействия коррупции является юридическая ответственность судей. В судебной сфере юридическая ответственность представляет собой своего рода реакцию государства на нарушение судьями законов и правил судебной этики. Наиболее распространенным ее видом является дисциплинарная ответственность. Она призвана выполнять функцию предупреждения проступков и «очищения» судебского корпуса от недостойных лиц и должна быть направлена на борьбу с коррупцией. Анализ привлечения судей к ответственности показывает, что в указанной сфере имеется тенденция к снижению. Так в 2016 году уволено с должности 19 судей. Из них: 12 – по собственному заявлению, 5 – за нарушения присяги судьи, 1 – за допущение ошибок в сфере осуществления правосудия, в 2017 году уволены с должности всего 69 судей. Из них: 8 – по собственному желанию, 15 – за нарушение присяги судьи, 10 – за допущение ошибок в сфере осуществления правосудия, 20 – в связи с переходом на другую работу, 11 – в связи с сокращением штата, в 2018 году уволены с должности всего 16 судей. Из них: 4 – по собственному желанию, 3 – за нарушение



присяги судьи, 5 – в связи с переходом на другую работу.

На судей налагается дисциплинарное взыскание в виде досрочного прекращения полномочий, а за совершение других дисциплинарных проступков к дисциплинарной ответственности.

В 2017 году Высшим судейским советом рассмотрен вопрос о привлечении к дисциплинарной ответственности за нарушение правил этического поведения 36 судей. Из них 9 судьям объявлен выговор, 12 судей были оштрафованы, также 5 судей были предупреждены. В 2018 году Советом рассмотрен вопрос о привлечении к дисциплинарной ответственности 27 судей, из них 15 судьям объявлен выговор, 3 судьи были оштрафованы, 7 судей были предупреждены, полномочия 2 судей были досрочно прекращены.

За совершение преступления судья привлекается к уголовной ответственности. Уголовная ответственность является сдерживающим фактором, позволяющим противостоять использованию судебских полномочий в ущерб интересам общества и государства. К уголовной ответственности судьи привлекаются за вынесение заведомо неправосудных приговора, решения или иного судебного акта. В 2016 году к уголовной ответственности были привлечены – 9, в 2017 году – 11, в 2018 г. – 1 судья, за полгода 2019 года -1 судья. Несмотря на снижение количества привлечения судей к уголовной ответственности, сохраняется проблема сохранения уголовно-правовых иммунитетов в отношении судей.

Статья 30 Конвенции ООН против коррупции (п.2) требует, чтобы «Каждое Государство-участник принимает такие меры, какие могут потребоваться с тем, чтобы


установить или обеспечить, в соответствии со своей правовой системой и конституционными принципами, надлежащую сбалансированность между любыми иммунитетами или юрисдикционными привилегиями, предоставленными его публичным должностным лицам в связи с выполнением ими своих функций, и возможностью, в случае необходимости, осуществлять эффективное расследование и уголовное преследование и выносить судебное решение в связи с преступлениями коррупционного характера.

Статья 223 УПК Узбекистана определяет круг лиц, пользующихся иммунитетом при задержании (депутаты, члены Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсман), Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства, судьи и прокуроры).

Судья не может быть привлечен к уголовной ответственности, заключен под стражу без согласия соответственно Пленума Верховного суда (статья 70 Закона «О судах»).

Судья Конституционного суда не может быть привлечен к уголовной ответственности, а также заключен под стражу без согласия Конституционного суда (статья 16 Конституционного Закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан»).

Международными экспертами утверждается, что действующие нормативы не достаточны для выполнения требований ст. 30 Конвенции.



6. Наличие возможности пересмотра судебных решений надзорного пересмотра, в том числе по протесту прокурора

В правовой системе Узбекистана до сих пор сохраняется институт надзорного порядка рассмотрения дел Верховным судом. Хотя в ходе последних реформ такие полномочия были сохранены только за Верховным судом, наличие такого института создает коррупционные риски. Это по сути является третьей инстанцией обжалования решений и допускает пересмотр вступивших с силу судебных решений по любым основаниям. Это подрывает правовую определенность и противоречит принципам верховенства права, в том числе принципу *res judicata*.

Генеральный прокурор и его заместители могут вносить протест даже по тем делам, в которых органы прокуратуры не принимали участие на ранних стадиях (см., например, ст. 307 Экономического процессуального кодекса). Хотя срок внесения протеста составляет один год после вступления решения в силу, этот срок может быть восстановлен «по причинам, признанным судом уважительными», что еще более усугубляет проблему.

По нашему мнению, в целях комплексного подхода к решению проблемы коррупции в судебной системе необходимо отказаться от надзорного пересмотра судебных решений, в том числе по протесту прокурора, поскольку это противоречит принципам верховенства права, а также несет значительные коррупционные риски.

7. Вопросы совершенствования деятельности органов судейского сообщества.

В настоящее время ключевые вопросы деятельности судебной системы регламентируются актами Президента. Согласно Закону «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан», Высший судейский совет является органом судейского сообщества и оказывает содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти в Республике Узбекистан.

В то же время, состав и порядок формирования Высшего судейского совета вызывает ряд вопросов. В частности, состав Высшего судейского совета не соответствует стандарту, согласно которому большая его часть должна выбираться судьями и числа судей. Политические органы (Президент,

Сенат Олий Мажлиса) играют ключевую роль в назначении членов Совета. Даже члены Совета, которые являются судьями, назначаются Президентом по представлению руководителя Совета, а не по предложению судейского сообщества. ОЭСР предлагает перейти к системе, когда назначение судей следует доверить органу судейского сообщества - съезду судей;

Отсутствие прозрачного порядка отбора и назначения представителей общественности в состав Высшего судейского совета снижает их роль и возможности влиять на принимаемые решения. В действующем составе Совета только один представитель НПО и тот представляет Ассоциацию судей;

включение в состав Совета представителей правоохранительных органов и органов исполнительной власти (Генеральная прокуратура, МВД, Минюст) нежелательно, поскольку может негативно сказываться на независимость Совета.

В этой связи предлагается привести состав органа, отвечающего за отбор судей (Высшей квалификационной комиссии) в соответствие с международными стандартами, в частности, обеспечив, чтобы он состоял из большинства судей, представляющих различные уровни судебной системы и избранных другими судьями.

8. Проблемы назначения судей на определенный срок

Существенно ограничивает судейскую независимость также назначение судей на определенный срок. В 2016 году штатное количество судей составляло 1057, из них вакансий – 227. В 2017 году штатное количество судей 1380, из них вакансий – 439. В 2018 году штатное количество судей 1380, из них вакансий – 364.

Статьей 63-1 Закона «О судах» установлено, что судья в установленном порядке назначается или избирается на первоначальный пятилетний срок, очередной десятилетний срок и последующий бессрочный период пребывания в должности. В 2017 году 27 судей, а в первой половине 2018 года 11 судей были назначены (избраны) бессрочно на должность судей. Несмотря на то, что в ходе судебно-правовой реформы предприняты меры по совершенствованию сроков пребывания в судейской должности, установлено назначение судей на два срока до возможного назначения судьи бессрочно.

Но из общего количества судей лишь около 3% судей назначены бессрочно. По мнению международных экспертов это су-



щественно ограничивает судейскую независимость.

Необходимо всецело применять бессрочный порядок из назначения. В случае временного сохранения положений о назначении судей на определенный срок, целесообразно ограничить такое назначение лишь одним сроком и установить, что по его истечении судья может быть не подтвержден в должности бессрочно только в случае несоответствия четким критериям по результатам беспристрастной и прозрачной процедуры оценки.

9. Проблемы обеспечения финансовой независимости судебной системы

